

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 6338803

**Мамажоновна Гулчехрахон Расулжоновна**

**Мавзу: Фарғона давлат университети ҳудуди манзарали  
ўсимликлари**

5А 420103 – Ботаника мутахассислиги бўйича магистр  
академик даражасини олиш учун

**МАГИСТРЛИК  
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

Илмий раҳбар:  
Биология фанлари номзоди,  
доцент Р.Шоназаров

Фарғона – 2011 йил

## Мундарижа

Кириш

1. Мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси. -----6-7
2. Мавзу бўйича адабиётлар тахлили ва кўкаламзорлаштириш тарихи----8-14
3. Тадкикотнингнинг мақсад ва вазифалари -----15-18

### **I - БОБ. Университет ҳудудида рўйхатга олинган манзарали ўсимликлар аниқлагичи**

- 1.1. Оилалар аниқлагичи.-----19-22
- 1.2. Туркум ва турлар аниқлагичи -----22-30

### **II - БОБ. Университет ҳудудида экиб ўстирилаётган манзарали ўсимлик турларининг биоэкологияси, фойдали хусусиятлари**

- 2.1. Манзарали, ноёб ва истикболли ўсимликларни кўпайтириш ва уларни муҳофаза қилиш -----31-66
- 2.2. Университет ҳудудида ўстирилаётган манзарали ўсимликлар рўйхати-----66-69

Хулоса -----70-71

Мавзуга оид интернет маълумотлари-----72-77

Адабиётлар рўйхати -----78-80

## **I. Кириш.**

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш ўз – ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробаридир. Афсуски, ҳали кўплар ушбу муаммога бепарволик ва маъсулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар.(И.А Каримов «Узбекистон XXI аср бусагасида; хавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»Т-1998 йил 110-бет)

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муяйян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас биологик фалокатларга олиб келди.

Бу хавфни анча кеч, 70–йилларнинг бошларидагина англай бошладик. Ўшанда мазкур масала дунё миқёсида тараққиётга бағишланган дастлабки Ғарб моделларида кескин қилиб қўйилган эди. Бу ҳол бамисоли “бомба портлагандай” таъсир этди. Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этди.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олмай, жадал юритилган хўжалик фаолияти, Рим клубининг “XXI аср йўли” деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, балиқларнинг ҳаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва ҳаказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2009 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон куруқликнинг 1/6 қисминигина ташкил этади, ҳолбуки, 50 йилларда улар ¼ қисми эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг такрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда.(И.А.Каримов «Узбекистон

XXI аср бусагасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т-1998й 118-бет)

Ҳозирги вақтда жаҳон фан – техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий заҳиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан – йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ – овқат, ёкилғи, кийим – кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл – саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер хавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда. (И.А.Каримов «Юксак маънавият енгилмас куч» Т-2008 й бет).

Халқаро ҳамжамият инсоннинг нафақат яшаш ҳуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф муҳит шароитларига ҳам бўлган ҳуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган.

Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмайди. Уларни бугун сайёрамиз кўламида ҳал қилиш зарур. Кўриниб турибдики, табиий муҳитни инсон юритадиган хўжалик фаолиятининг зарарли таъсиридан химоя қилиш билан боғлиқ кўпгина муаммолар кенг қўлам касб этади. Шу сабабли улар фақат халқаро ҳамкорлик асосида ҳал қилиниши лозим.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамалкатларида ва минтақаларида турличадир.

Орол денгизининг қуриб бориш хавфи ғоят кескин муаммо, айтиш мумкинки, миллий кулфат бўлиб қолди. Орол денгизи муаммоси узок ўтмишга бориб тарқалади. Лекин бу муаммо сўнгги ўн йилликлар мобайнида хавфли даражада ортди.

Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олинганлиги, уни “жонсизлантириб қўйилганлиги” хаёлга келмасди. Эндиликда Оролбўйи экологик кулфат худудига айланди.

Орол денгизининг қуриб бориши ва минтақанинг чўлга айланиши билан боғлиқ экологик фожиа бу ҳавзада яшаётган барча халқларнинг дарду аламидир.

Экологияга солинаётган хавф Ўзбекистон учун, умуман бутун Марказий Осиё минтақаси учун нақадар юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳукумат ва давлат атроф муҳитни ҳимояқилиш, табиий захиралардан оқилона фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор бермоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги миллий тадбирлари бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш иши билан қўшиб олиб борилмоқда. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш турли жиҳатларини тартибга солувчи кўплаб хилма – хил халқаро шартномалар ва битимлар тузилди.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсирчан чора – тадбирларни рўёбга чиқариш яқин вақт ичидаёқ олдинги тизимдан ёш республикага мерос бўлиб қолган экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва хатоларни бартараф этиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг қўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун, жисмонан соғлом ёш авлоднинг дунёга келиши ва ривожланиши учун зарур шарт – шароитлар ҳамда экология жиҳатдан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш имконини беради.

## **1. Мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси.**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ер юзидаги 412 мингдан зиёд ўсимлик турларининг 30000 га яқинидан инсонлар кундалик ҳаётида фойдаланади (Тахтаджян А.Л. Система магнолиофитов.-Л.: Наука, 1987.- 439 бет.) Наботат оламида шундай ўсимлик турлари борки, улар инсонларда энг нафис туйғу-гўзаллик ҳиссини уйғотади, хуш кайфият бағишлайди. Уларни табиатга, она Ватанга бўлган меҳр муҳаббатини янада оширади. Булар хонадонларимизни, иш жойларимизни, кинотеатр-у, дам олиш масканларимизни, мактаб ва боғчаларимизни қишин-ёзин безаб турган манзарали ўсимликлардир.

Маълумки, машинасозлик, тўқимачилик, тикувчилик ва шу каби бошқа саноат корхоналарининг атроф муҳитга тирик организмлар учун зарарли бўлган моддаларни чиқариш ҳолатлари йилдан йилга ортиб бормоқда. Иккинчи томондан бу ишлаб чиқариш корхоналарининг цехлари, иш жойлари иссиқ ва сершовқин, чангли бўлади. Бундай жойлар доимий яшил, барг ва пояларида захарли газларни тутиб қолувчи, чанг ва шовқиндан муҳофаза қилувчи ўсимликлар кўпроқ парваришлашни тақозо этади. Бу ҳолат табиийки, киши руҳиятига ва кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, ҳар бир ҳодисани, воқеани, табиатни ўрганиш остонадан бошланади. Ватан ҳам остонадан бошланади. Ҳар бир инсон ўз оиласи, ўз ҳовлисида содир бўлган ва бўлаётган ҳодисаларни билмай туриб, ташқарида содир бўлган шу хилдаги воқеалар моҳиятини тўғри тушуниб етмайди, уни одилона баҳолай олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарса ҳақидаги маълумотларни, билишни ўрганш ҳам остондан, оиладан бошланади деб бежиз айтилмаган.

Ҳозирги кунда оила билан иш жойини бир-биридан ажиратиш мумкин бўлмаса керак. Чунки ҳар бир инсоннинг ҳаёти ва иш фаолияти оилада ва ишхонада шакилланади, такомиллашади. Шунга кўра ишхона, у эгаллаган ҳудуд ҳам ўша ерда фаолият кўрсатаётган ходим учун остона ҳисобланади. Демак, ўқув масканлари шу ерда билим олаётган талабалар

учун ҳам остона ҳисобланади. Бу ерда гап Фарғона давлат университети, унинг Табиёт факультети талабалари ўқиётган билим маскани худуди ҳақида бормоқда.

Биз шу даргоҳда билим ва тарбия олаётган эканмиз, унинг худуди ҳақида у ерда ишлаётган устозларимиз, ўқув хоналар, лаборатория ва иссиқхоналар, яшил майдонлари, бинолар ва ҳовлиларга ўзларининг гўзаллиги билан файз киритиб турувчи гулзорлари ва манзаралари дарахт ва буталарини дастлабки ва ҳозирги ҳолати, ҳамда кун сайин кўркига- кўрк кўшиб бораётган бу жараёнга доимо эътибор бериб келаётган жонкуяр бошлиқлар ва ходимлар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз даркор.

Юқорида айтиб ўтилган ва баён қилинган маълумотларни ҳисобга олиб, Фарғона давлат университети худудини кўкаламзорлаштириш ва гулзорларга, боғу-бўстонларга алмаштириш борасида олиб борилган изланишлар, уларнинг самаралари, ҳозирги ҳолати, манзарали дарахт ва буталарнинг тур таркиби, улар орасида истикболли турларини аниқлаш ва тавсия қилиш. Шунингдек, оша туркум, тур аниқлагичини яратиш, ноёб турларини аниқлаб, уларни муҳофаза қилиш ҳақидаги маълумотлар бериш шу куннинг долзарб вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз. Чунки, шу кунга қадар университет худудида тарқалган манзарали дарахт ва буталар ҳақида бирор- бир қўлланма яратилган эмас. Университет худудида экиб ўстирилган ва ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарнинг хилма-хиллиги уларнинг аҳамияти, биологияси, турлар таркибини нафақат табиётшунослар, балки бошқа факультет талабалари орасида ҳам билишни ҳоҳлайдиган табиат шайдолари кўп. Ўзлари яшаб турган ва ишлаётган жойларни кўкаламзорлаштириш, хилма- хил манзарали ўсимлик турлари билан бойитишни хохловчи барча табиатшунослар учун дастлабки қўлланма бўлиб қолади деган умиддамиз.

## 2. Мавзу бўйича адабиётлар тахлили ва кўкаламзорлаштириш тарихи.

Манбаларда қайд этилишича, халқимиз қадим замонларданок манзарали ўсимликларни билишга ва ўстиришга қизиққанлар. Асрлар оша Бухоро, Самарқанд, Термиз, Урганч, Тошкент каби қўхна шаҳарларда қад кўтариб турган йирик мадраса ва бошқа биноларнинг айниқса ички деворларидаги чиройда тенги йўқ безаклар, нақшлар, чизмалар орасида (Памятники архитектуры Средней Азии.–М.: Планета, 1971.– .25-53-бет.)

Бобокалон Алишер Навоийнинг «Хамса»сига бағишлаб чизилган, З.М.Бобур асарларига ишланган миниатюраларда турли шаклдаги гултувакларда ўсиб тургандек қилиб чизилган тасвирий (ноаниқ) ўсимликларни кўрасиз. Замонасининг машҳур рассоми бўлган Камолиддин Бехзод шоҳона саройлардаги «ички боғлар»да ўсиб, яшнаб турган манзарали ўсимликларни кўрган ва улардан андоза олиб, ўз тасвирий (миниатюра) санъатида намойиш қилган бўлса ажаб эмас, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Ҳеч шубҳа йўқки, ўтмишда Ўзбекистон худудида хон ва амирлик саройларида ёки гул шинавандалари хонадонларида идишларда ўсимликлар ўстирилган. Тарихий манбаларга асосланган бир қанча кинофильмларда хон тахти атрофи ва қабулхоналарда ўстирилган пальма ва шунга ўхшаш йирик япроқли, зийнатбоп ўсимликларни акс эттирилганлигини кўриш мумкин.

М Абу Райхон Берунийнинг «Китоб Ас сайдана фит-тиб» (Абу Райхон Беруний. Китоб ас-сайдана фит-тиб. том 4. – Тошкент: Фан, 1974. – 700 б.) асарида хонадонларда ўстирилувчи жуда кўп ўсимликларнинг дориворлиги ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, ўша даврларда бу ўсимликларни қандай номланиши, қайси дардларга даво бўлиши тўғрисида сўз боради. Бундан ташқари Абу Али Ибн Сино (Абу Али Ибн Сино. «Канон врачебной науки». том I.–Тошкент: Фан, 1972. 700-750 бетлар) асарларида ҳам шундай маълумотлар келтирилган. Демак, ана шу вақтлардаёқ ота-боболаримиз бу



Ўсимликларнинг дориворлик хусусиятларидан хабардор бўлишган ва фойдаланишган. Шунинг учун ҳам бу ўсимликларни уйларида сақлаб кўпайтиришган, деган фикрга келиш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, халкимиз манзарали усимликларга қанчалик қизиқишига қарамай, Ўзбекистонда Ф.Н. Русанов (Русанов Ф.Н. Основные понятия об интродукции растений и ее некоторых методах. Труд.ботан.сада АН УзССР.-1954, вўп. 4. 25-34-бетлар.), П.К. Озолин, Н.М. Кармишина (Озолин П.К., Кармишина Н.М. и др. Комнатное цветоводство. – Ташкент., Узбекистан, 1966.– 63 бет.) Н.Ф. Зиновьева (Зиновьева Н.Ф. Яшил хазиначалар. –Ташкент: Мехнат, 1968. –80 б..) А.К. Кияткин, Н.Ф. Зиновьева, В.П. Печеницин (Зиновьева Н.Ф. Цветы в комнате. Ташкент: Узбекистан, 1982. – 49-154.бетлар) Л.К. Кравченко (Кравченко Л.К. Цветочно-декоративные растения. –Ташкент: Узбекистан, 1973. 210-бет.) ларнинг илмий ва илмий-оммабоп асарларига ўхшаш асарлар давлат тилида яратилмади. Тропик ва субтропик ўсимликлар ҳақида ўзбек тилида И.Т.Ремискевичнинг «Гулчилик ҳаваскорларига маслаҳатлар» (Ремискевич И.Т. Гулчилик ҳаваскорларига маслаҳатлар. Т.: Ўздавнашр, 1957.-Б.127-167-бетлар)

З.Фахриддиновнинг «Гул-уйнинг кўрки» (Точидлевская К.И. Технические и лекарственные растения в декоративном цветоводстве.-М.: Крестьянская газета, 1935.– 102бет.)

Ф.Зиновьеванинг «Яшил хазиначалар» (Зиновьева Н.Ф. Яшил хазиначалар. – Ташкент: Мехнат, 1968. –80 бет.) каби оммабоп асарлари нашр эттирилди, холос. Н.Ф.Зиновьеванинг (Зиновьева Н.Ф. Цветы в комнате. Ташкент: Узбекистан, 1982. –С. 49-154)

«Цветы в комнате» деб аталган оммабоп асарида 90 га яқин турнинг номлари ва уларнинг қисқача таснифи ва манзаралилик хусусиятлари берилган.

Афсуски, ҳозиргача Фарғона водийсининг манзарали ўсимликлари ҳақида маълумотлар берувчи асарлар яратилмаган. Нафақат Фарғона давлат

университети, балки Фаргона водийси миқёсида ҳам ўстирилатган мазарали ўсимликлар ҳақида ўзбек тилида эмас, хатто рус тилида ҳам бирорта йирик илмий асар нашр этилмаган. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талаба ва ўқувчилари учун дарслик ва қўлланмалар ёзилмади. Оқибатда ботаника фани соҳасидаги юқори малакали мутахассислар ҳам бу ўсимликларнинг илмий ва давлат тилидаги номларини, уларнинг биологик хусусиятларини, кўпайтириш усулларини, хона шароитида жойлаштириш, мақсадга мувофиқ муддатларда улардан фойдаланиш, ўсиш ва ривожланишини бошқариш йўллари аниқ тасаввур эта олмайдиган бўлиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг чет элларга чиқиш учун катта имкониятлар яратилди. Шу муносабат билан ўсимлик (гул) шинавандаларининг саъйи-ҳаракатлари туфайли хориждан республикамизга кириб келаётган ўсимликларнинг сони яна ҳам орта бошлади. Булар орасида республикамиздаги энг йирик иссиқхона ва оранжереяларнинг коллекцияларига кирмаган жуда кўп турларни учратиш мумкин.

Ҳозирча биз бу ўсимликларнинг манзарали томонларинигина биламиз, холос. Уларнинг қайси оила, туркум ва турга мансублиги, асл ватани, таркибида қандай фойдали ёки захарли моддалар борлигини яхши тасаввур эта олмаймиз. Ваҳоланки, хориждан интродукция қилинган ва қилинаётган ўсимликлар орасида дориворлари билан бир қаторда *Dieffenbachia* Schott., *Nerium* L., *Euphorbia* L., *Alocasia* G.Don., *Hoya* R. Br., *Eucharis* Planch., *Haemanthus* L., *Clivia* Lindl., *Crinum* L. туркумларига мансуб бир қанча захарли турлари ҳам борлиги аниқланган (120).

Юқорида айтилганидек, мавзу бўйича бирор-бир қўлланма яратилгани йўқ, нафақат Фаргона давлат университети худудидаги манзарали дарахт ва буталарни ўрганишга бағишланган, балки хатто Фаргона вилоятидаги шаҳарларни кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам ҳозирга қадар етарли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган манбаа йўқ. Лекин аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш инсон учун

қанчалик катта аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Яшил ўсимликлар ҳавони чанг, газ каби чиқиндилардан тозалаб, килород билан бойитиб турадиган ягона лаборатория бўлиши билан бирга, озиқ- овқат, кийим- кечак, дори- дармон, қурилиш материали, саноат учун ҳом- ашё манбаи ҳамдир. Яшил ўсимлик инсон учун зарарли ва захарли бўлган чанг, тутун, газ ва шунга ўхшаш нарсаларни тутиб қолади.

У ўзининг ажойиб гуллари, шох-шаббалари ва ташқи қиёфаси билан табиатга, кўчаларга, боғларга, хонадонларга, дам олиш масканлари ва иш жойларига файз киритади, инсонларга куч- қувват, роҳат, меҳнаткаш ва ижодкорда завқ уйғотади. Айниқса, халқимиз фаровон ҳаёт кечириётган ҳозирги кунда кўркам ўсимликлар ободончилик ва инсон саломатлигининг етакчи қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳоли яшайдиган жойларни манзарали ўсимликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўкаламзорлаштириш ишларини бошланиши қадимги замонларга бориб тақалади.

Инсон пайдо бўлганидан кейин дастлаб, улар озиқ-овқат муамоларини кейинчалик эса турар-жой, кийим-кечак каби қатор муаммоларни ҳал қилган. Кейинги босқичда эса маъданий ҳаёт кечириш устида бош қотирилган. Дастлаб ўзлари яшаб турган соя-салқин берадиган ўсимликларни экишга киришишган ва аста-секин боғу роғлар барпо қилиб манзарали ўсимликларга нисбатан эҳтиёж орта борган ва бу борадаги ишлари вақтлар ўтиши билан такомиллашиб бораверган.

Бундан минг йиллар олдин Ўрта Осиё, Кичик Осиё, Олд Осиё мамлакатлари орасида турли хил чалкашликлар, шу жумладан манзарали ўсимликларни ҳам айрибошлаш йўлга қўйилган.

Сурхандарёнинг Сариосиё, Қашқадарёнинг Яккабоғ, Фарғонанинг Фарғона тумани марказларидаги улкан ва умри боқий чинорлар ўша даврдан буён асрлар оша яшаб келаётгани бунга далил бўла олади. Бу забардаст дарахтлар ҳамон гуркираб яшаб келмоқда. Лекин Шарк мамлакатлари билан Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида 16 асрдан бошлаб савдо алоқаларининг ривожланиши ўз навбатда манзарали

Ўсимликларни айри бошлашга ҳам имкон берган ва ўз ўлкаларини манзарали ўсимликларга бойитиш имконияти вужудга келган. Шу даврдан бошлаб Ҳиндистон, Хитой ва Олд Осиё ҳамда Ўрта Осиё мамлакатларидан Европагача, ўз навбатда Европа ва америкадан Шарқ мамлакатлари , жумладан Ўрта Осиёга манзарали дарахт ва буталарни олиб келиш ва олиб бориш, маҳаллий шароитга мослаштириш жараёни кенг кўламда олиб борила бошлаган.

1870-1875 йилларда Туркистон ўлкаси маъмурияти шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга киришиб, чет мамлакатлардан кўркам дарахт ва буталарни табиий ва маъданий ҳолда бу ерларда учрамайдиган чиройли гулли, доимий яшил кўркам ўсимликларнинг уруғ ва кўчатларини олиб келиб экишга киришилган. Кейинчалик шаҳар ва аҳоли яшайдиган жойлар иқлимлаштирилган ва маҳаллий шароитга яхши мослашган кўркам ўсимликлар билан таъминлашда шу ерда ташкил қилинган кўчат етиштирадиган хўжаликларнинг роли ҳам катта бўлди. Кўчатзорларда – эман, чинор, сарв, тут, арча, заранг, арғувон, сирень, биота, туяшумтол, сохта каштан, гледичия (тикон дарахти), оқ акация, қоғоз дарахти, липа (шука) каби манзарали дарахт ва буталарнинг кўчатлари етиштирилди.

Ўша даврда экилган кўчат қилинган кўпчилик дарахт ва буталар асрлар оша водий шаҳарларида барқ уриб, шаҳарлар кўркига- кўрк қўшиб келмоқда.

Водий шаҳарларида бунёд этилган боғлар ва хиёбонлар қадимдан ўзининг гўзал ва кўркамлиги кишиларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Наманган, Марғилон, Андижон ва Қўқон каби қадимий навқирон шаҳарлар ўзларининг хуш манзарали ва гўзал боғлари ҳамда хиёбонлари билан қадимдан маълум.

Фарғона шаҳри эса 1876 йилдан бошлаб қурила бошлади. Шаҳарга генерал губернатор Скобелов асос солган. У дастлаб Қўқонда турган, лекин Қўқон шаҳрининг иқлими ёқмаган. Шундан кейин водийнинг иқлими, суви, тупроғи яхши жой деб ҳозирги Фарғона шаҳари ўрнини танлашган ва шу ерда аста секин шаҳар қад кўтара бошлаган.

Шаҳар қурилиши архитектори қурилиш ишлари билан бирга, шаҳарни кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берган. Губернатор ўз атрофига етакчи сутахассисларни тўплаган ва шаҳарни қиёфаси ва кўкаламзорлаштиришда уларнинг маслаҳатига риоя қилган

Шаҳарни кўкаламзорлаштириш бўйича ботаник, ўрмоншунос Г. Оттендорф хизматлари катта бўлган. Губернатор кўрсатмаси бўйича турли мамлакатлардан бу ерда устирилмайдиган манзарали дарахт дарахт ва буталар келтирилиб экила бошлаган.

1909 йилда Фаргона шаҳрида И.Васильенко томонидан утказилган кузатишлар бўйича шаҳарнинг бог, куча, хиёбон ва хонадонларида 240 000 га яқин манзарали дарахт ва буталар устирилган бўлиб, улар 100 га яқин турни ташкил қилган.

Уша даврда маҳаллий манзарали усимликлардан ҳам фойдаланилган. Жумладан: терак турлари, кайрагоч турлари(купрок садда кайрагоч туридан), тут турлари, тол турларидан ҳам кукаламзорлаштиришда фойдаланилган.

Шуни ҳам айтиб утиш керакки фукаралар уруши даврида канчадан-канча маблагу меҳнатлар эвазига бунёд этилган боғлар в хиёбонларинг куп қисми поймол булди, уларнинг айимларигина хозиргача сакланиб қолган.

Кейиги йиллари шаҳардаги бог ва хиёбонлар қайта тикланди. Улар манзарали усимликлар ок кайин, шумтол, павлония, пирамида дуби, эман, виргин арчаси, Кавказ хурмоси а бошқалар ҳисобига бойитилди. Булардан ташқари губернатор боғига Магнолия, лола дарахти, кора карагай, эман (3 тури), липа (2 тури), павлония, граб, бук, карагай, боткок кипариги, форзиция, дулана, тобулги, марям дарахти каби усимликлар экилди.

Мустақиллик муносабати билан шаҳарни кўкаламзорлаштиришга янада эътибор кучайтирилди, 6.5 глик Ал- Фарғоний номли истирохат боғи хозирга келиб кенгайтириши ҳисобига 27 га етди. 1909 йили шаҳар бўйича манзарали дарахт ва буталар сони 240 мингдан бир неча миллионга етказилди. Каровсиз қолган Европаликлар қабристонини урнида «Она ва

бола» хиёбони, болалар боги каби кукаламзорлаштирилган майдонлар шаҳар куркига курк кушиб турибди.

Фарғона давлат университети худудини кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар ташкил бўлган даврдан бошланган. Шаҳарни куриш билан бир вақтда кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам олиб борилган. Ўша даврда университет худудида ҳам- Чинор, Қоғоз дарахти, Бундуқ, Канада тераги, Виргин хурмоси, Кательпа, Совун дарахти, Гледичия, ипак Акация, ок Акация, сохта Каштан, Эман каби ўсимликлар ўстирилган ва улардан айримлари (сохта Каштан, Чинор, Виргин хурмоси, Гледичия) каби турлари ҳамон ўсиб, университет худудида ўзига ҳос манзара ато этиб турибди.

Мустақилликдан кейинги йиллари- Қора қарағай, Дўлана, Форзиция, Магнолия, Лола дарахти, Магония, Маржон дарахти, қизил балзам терак, Шамшод, қора Ёнғоқ, Нормушк, Шарқ Биотаси, Виргин арчаси, Мариям дарахти, Будлла, Долида, Четанча, хинд Сирени каби манзарали ўсимликлар ҳисобига бойитилди. Шунингдек университет ҳовлисидаги қатор кўримсиз бинолар бузиб ташланди ва улар ўрни ҳозирда университет худудига гўзал ва ранг- баранг кўриниш бериб турган гулзорларга айлантирилди.

Ҳозирда ҳам университет худудида манзарали дарахт ва майдонини ортириш, гулзорлар барпо қилиш давом этмоқда.

Ҳар йили кўчат экиш ойида бир неча минглаб кўчат экилиб, уларни парвариш қилишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда.

Айниқса, кўчат экишда йил давомида кўм- кўк, ям- яшил бўлиб турадиган (қора Қарағай, Арча, Биота, Нормушк, чиройли гулли ва узок яшайдиган манзарали, касалликларга бардошли- Эман, сохта Каштан, Лола дарахти, Шамшод, Магнолия, Форзиция) каби истикболли ўсимликларга алоҳида эътибор берилмоқда ва экиб ўстирилмоқда. Ўйлаймики, режаларимизни рўёбга чиқиши университетимизни йилдан-йилга гўзаллашиб боришига имкон беради.

### **3.Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.**

#### **Тадқиқотнинг мақсади.**

Фарғона давлат университетида ўстирилаётган манзарали ўсимликлар генофондининг флористик таркибини ўрганиш ва университет ҳудуди усимликлари учун аниқлагич тузишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тадқиқотнинг асосий вазифаси университет ҳудудида экиб ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарни ҳар томонлама тур таркибини, яшаб турган шароитга қай даражада мослашганлигини, морфологик белгиларини ўрганиш асосида тур, туркум, оила аниқлагичларини тузиш ва бу ердаги манзарали дарахт ва буталарни ўрганишни ҳоҳловчи, қизиқувчи талабаларга ёрдам беришдир. Шунингдек, шаҳарда тарқалган манзарали дарахт ва буталар орасидан истиқболли-доимий яшил, ташқи қиёфаси ва гуллари кўркам, турли касалликларга бардошли, тез ўсадиган, баланд бўйли, шох- шаббалари бежирим узок яшайдиган, шох- шаббаларига шакл бериб турли кўринишлар, ёқимли манзара ҳосил қиладиган турларини аниқлаш ва улардан университет ҳудудида экиш учун тавсия қилишдан иборатдир. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда вазифаларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш йўлларни белгилашдир.

Вазифаларни амалга ошириш борасида манзарали ўсимликларнинг университет ҳудудида тарқалган турлар сони, туркум ва оилалар сони аниқланди, уларнинг морфологик белгилари пухта ўрганилиб, дастлаб манзарали дарахт ва буталарни оила аниқлагичи тузилди, кейин эса уларни туркумлари аниқланиб, уларни ҳам аниқлагичи тузилди. Охириги турлар бўйича ҳам аниқлагич тузиб тугатилди. Бундан ташқари, шаҳар ва университет ҳудудидаги ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарни келиб чиқиши, умр боқийлиги ва бошқа белгилар пухта ўрганилиб, улар орасидан истиқболли турлари аниқланди ва келгусида уларни экиб ўстириш тавсия қилинди. Шу билан бирга асрлар оша яшаб боғ, кўча ва хонадонларга файз киритиб келаётган, кам сақланиб қолган ноёб турлар

аниқланди ва уларни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар берилди. Ноёб турларни муҳофаза қилиш айрим ташкилот ёки идораларнинг иши бўлмай, балки, уларни асрашда, ҳимоя қилишда барча бмрдек қатнашиши кераклиги ҳам уқтириб ўтилди.

Вазирлар Маҳкамасининг Республикамизда тинчилиқни таъминлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш борасида олиб бораётган фидокорона ишлари халқимизнинг тинч осойиштада ва маданий ҳаёт кечиришлари учун тўла имконият яратиш бермоқда. Маданий ҳаётнинг муҳим томони эса шаҳар, қишлоқ ва барча аҳоли яшайдиган, ишлайдиган жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришдан иборат. Маълумки, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, боғлар, гулзорлар, хонадон, иш жойи, кўча ва йўлларга ранг-баранг файз ва манзара киритиб турадиган кўркем, хушманзара ўсимликларсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, халқимиз фаровон ҳаёт кечириётган, мустақилликка эришган ҳозирги кунда “яшил дўстлар” инсонлар ҳаётида етакчи ўринни эгаллайди.

Ўсимлик деганда, кўз ўнгимизда ўзининг ажойиб ва гўзал гуллар ва яшил баргли кўркем шох- шаббалри, доимий яшиллиги билан табиатга ва хонадон-у, кўчаларга, ишхона-ю- боғларга, ховлиларга ўзгача кўркем файз киритиб турган, қалам аҳлига илҳом, беморга шифо, барчага куч- қувват, иззат бағишлайдиган ранг- баранг гулли ўсимликлар намоён бўлади. Гулзор ёки манзарали дарахт ва бутазорни кезган ҳар бир кишини дили очилади. Чаман бўлиб очилиб турган қайси юракни эритмайди, қайси дилни қитиқламайди, қайси бир инсонни меҳнатга, ижодга чорламайди дейсиз. У ҳаёт кўрки, файзидир. Гуллар ёшларга муҳаббат, кексаларга ҳурмат рамзи сифатида ҳам ҳизмат қилади. Манзарали кўриниш ҳосил қилган дарахт ва буталарни эъзозлаб экиб ўстиришимиз, тарбиялаб вояга етказишимиз ҳам, шу гулларга бўлган ҳурматимиз эмасми?

Хоналарни, ховлиларни, иш жойларини безатиб мусаффо ҳаво билан таъминлаб, меҳнатдан сўнг, ҳордиқ чиқаришни таъминловчи ҳам яшил ўсимликлар эмасми? Шундай экан инсон ҳаётида қанчалик аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмаса керак.



Мавзуни аҳамиятини янада чуқурроқ англаш учун, манзарали ўсимликлар ҳақида янада кўпроқ билишга эга бўлишимиз талаб этилади.

### **Илмий янгиликлари.**

Тўпланган материалларни қайта ишлаб, улар таҳлил қилинганда университет ҳудудида 30 оиллага мансуб, 48 туркум, 62 тур ўсиши аниқланди. Уларнинг 7 туркум, 7 тури доимий яшил, қолган 41 туркум, 55 тури эса баргини тўкиб ҳар йили янгиловчи ўсимликлар эканлиги маълум бўлди.

Университет ҳудудида экиб ўстирилиб келинаётган ўсимликларнинг тур ва туркумларини оилалар бўйича тақсимланиши таҳлил қилинганда улар қуйидагича эканлиги аниқланди.

Ўсимлик турлари ва туркумларини оилалар бўйича тақсимланиши.

Жадвал 1.

№	Оилалар номи	Турлар сони	Туркумлар сони
1	Гинкгадошлар – Ginkgoaceal	1	1
2	Қарғайдошлар – Pinaceal	2	2
3	Арчадошлар – Cupressaceal	2	2
4	Магнолиядошлар – Magnoliaceal	2	2
5	Ёнғоқдошлар – Juglandaceal	2	1
6	Толдошлар – Salicaceae	6	2
7	Қайиндошлар – Betulaceae	2	2
8	Қорақайиндошлар –Fagaceae	1	1
9	Қайроғочдошлар –Ulmaceae	1	1
10	Тутдошлар –Moraceae	5	3
11	Чинордошлар –Platanaceae	1	1
12	Раъногулдошлар –Rasaceae	2	2
13	Дуккакдошлар – Fabaceae	6	6
14	Берескитдошлар –Celastraceae	1	1
15	Шамшоддошлар – Buxaceae	1	1

16	Зарангдошлар – Aceraceae	4	1
17	Сохта каштандошлар – Hippocastanaceae	1	1
18	Чилонжийдадошлар – Rhamnaceae	1	1
19	Жукадошлар – Tiliaceae	1	1
20	Гулхайридошлар –Malvaceae	1	1
21	Зайтундошлар –Oleaceae	7	5
22	Тизимгулдошлар – Verbenaceae	1	1
23	Бигнониядошлар –Bignoniaceae	2	1
24	Симарубдошлар –Simurubiaceae	1	1
25	Шилвитдошлар – Sapifoliaceae	2	2
26	Хурмодошлар –Ebenaaceae	1	1
27	Лочаниядошлар –Joganiaceae	7	8
28	Пистадошлар –Anscardiaceae	1	1
29	Зиркдошлар – Berberidaceae	2	1
30	Сапиндадошлар -Sapindaceae	1	1

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, худудда экиб ўстирилаётган манзарали ўсимликларнинг энг кўп тур ва туркумлари зайтундошлар (7 тур, 5 туркум), толдошлар (6 тур, 2 туркум), дуккакдошлар (6 тур, 6 туркум), тутдошлар (5 тур, 3 туркум), оилалиларга мансуб эканлиги аниқланди.

**I - боб. Университет худудида рўйхатга олинган манзарали ўсимликлар аниқлагичи.**

**1. Оилалар аниқлагичи.**

1. Тугунчасиз уруғдонсиз ўсимлик. Уруғкуртаклари ялонғоч. Барглари тангачасимон ёки нинасимон ёки редукцияланган

Дарахт ёки бута. 2.

-тугунчали уруғдонли ўсимлик. Уруғчи барглари тугунча ҳосил қилади ва уруғ куртагини ўраб олади. 4.

2. Барглари узун, нинасимон дарахт, уруғчи қуббалари тухумсимон. Қарағайдошлар.

- Белгилари бошқача. 3

3. Барглари редукцияланган, майда, зич ўрнашган яшил тангачалардан иборат. Қуббалари яшил, кулранг, етилганда жигаранг ёки қора рангда. Катталиги 7-25 мм .

Арчадошлар- Cupressaceal

-Барглари узун бандли (10см), барги йирик елпиғичсимон, қуббаси бодом мевали катталигида. Гункдошлар – Ginkgoaceal

4. Барглари мураккаб баъзан оддий. 5

- Барглари оддий. 13.

5. Гули қийшиқ косача ва тожбарглари 5 тадан.

- Гуллари тўғри косача тож барглари ажралган. 7.

Гуллари қўшгулкўрғонли, қўшжинсли, косачаси 2 лабли , тожбарги қўнғироксимон, кенг найли 2 лабли оқ ёки оч пушти, қора доғлари бор чангчиси 4 та меваси, 20-35 (40) см, цилиндирсимон кўсакча.

Бигнониядошлар – Bignoniaceae

-Белгилари бошқача. 6.

6. Барглари навбатлашиб жойлашган, оддий ёки мураккаб, косача ва тожбарглари 5 тадан, чангчиси 10 та. Тожбаргининг 2 таси қайиқча, 2 таси икки ёнда эшкак, биттаси устида елкан ҳосил қилади. Меваси дуккак.

Дуккакдошлар – Fabaceae

-Барглари панжасимон мураккаб, қарама қарши жойлашган, косачаси 5 та, тожбарглари 4-6 та –чангчилари эркин 5-6 та. Меваси 3 хонали кўсакча. Сохта каштандошлар – Hippocastanaceae

7. Косача ва тожбарглари 5 тадан, чангчиси кўп (12 тадан ортик).

Раъногулдошлар- Rasaceae

-Белгилари бошқача. 8.

8. Барглари панжасимон мураккаб, 5 баъзан 7 бўлаккли. Гули қийшик косача ва тожбарглари 5 тадан. Тизимгулдошлар - Verbenaceae

- Белгилари бошқача. 9.

9. Гуллари 2 жинсли, якка- якка ёки тўпгул ҳосил қилади. Тожбарглари ғилдираксимон, варанкасимон ёки найсимон, учи асосан икки лабли, чангчилари 4-5 та. Меваси бир ёки бир неча уруғли резавор ёки очилмайдиган ёки учидан очиладиган қуруқ кўсакча. Бута.

Шилвидошлар – Sapifoliaceae

-Дарахт. 10.

10. Бўйи 5-15м ли дарахт. Барглари ўйма 3-5 (баъзан 7) бўлаккли. Гули майда, шингил шаклида тўпгул ҳосил қилади. Бир ёки икки шингилли. Косача ва тожбарглари 4-5 тадан, оқ ёки сарғиш- яшил рангли. Чангчиси 4 - 12 тагача, кўпроқ 8 та, гулбаргларида 1-3 марта узун . Меваси ясси, икки қанотли ва икки уруғли. Зарандошлар – Aceraceae

-Белгилари бошқача. 11.

11. Барглари патсимон мураккаб, 5-11 баргли.Зайтундошлар – Oleaceae

- Барглари оддий. 12.

12. Барглари йирик бутун, гуллари йирик, ҳушбўй, гулкўрғони 6-9- 12 тагача, чангчи ва уруғчилари чексиз, меваси қуббасимон дарахт.

Магнолиядошлар – Magnoliaceae

- Барглари бутун эллипсимон ёки тухумсимон, тожбарглари сарғиш- яшил дарахт.Чилонжийдадошлар – Rhamnaceae

13. Меваси енгил, ёнғоқча ёки қанотли ёнғоқча

14. Гуллари окиш, тўпгулли соябон, тугунчаси устки барги юраксимон. Жукадошлар – Tiliaceae

- Белгилари бошқача. 15.

15. Гуллари шарсимон тўпгулли, айрим жинсли, гулкўрғони икки қават. Чангчили гулларида 3-8 та чангчи, уруғчи гулларида эса 3-8 уруғчиси бор. Мевасининг учи бутунга ўхшаш чўзиқ ёнғоқча. Барглари 3-7 бўлаккли. Навдада кетма- кет жойлашган. Дарахт. Чинордошлар – Platanaceae

- Гуллари бир жинсли. Чангчили гуллари кучаласимон тўпгулли. 16. Чангчили гуллари узун, осилиб турадиган кучалаларда нотекис жойлашган. Уруғичи гуллари якка- якка ёки 2-3 тадан жойлашган ва майда кўп сонли гулён барглар билан ўралган. Меваси етилганда тўкилмайди ва гулёнбарглар билан ўралган, ўрама (плюскада) айланади. Меваси хакала ёнғоқ. Қорақайиндошлар – Fagaceae

16. Чангчи ва уруғчи гуллари ўзаро зич жойлашиб, осилиб турадиган кучалалар ҳосил қилади. Уруғи гуллари остида ўрама бўлмайди ёки бўлса ҳам 3 дона бўлади. Уларни туби бир-бирига қўшилган баргчалардан иборат бўлиб, мевасидан анча узун бўлади. Меваси ёнғоқча. Қайиндошлар – Betulaceae.

17. Меваси дуккак ёки резавор. 18.

Меваси кўсакча.

18. Гуллари бир жинсли ёки икки уйли, гулкўрғони 4 баргчали оддий. Чангчиси 4 та, уруғчиси 2 уруғ баргли. Сут ширали дарахт ёки бута. Тутдошлар - Mогосеae гуллари кўш жинсли, кўшгулкўрғонли .

19. Гули икки уйли. Меваси кўп урухғли майда кўсакчадан иборат бўлиб, қанотсиз. У учидан ёрилиб очилади. Уруғлари ўта майда, момик каби оппоқ туклар билан қопланган. Толдошлар - Salicaceae

Гули бир жинсли. Уруғчи гуллари барг қўлтиғида 1 тадан бўлиб жойлашган, эркак гуллари эса 1 та барг қўлтиғида, баъзан жуфтлашиб, айрим ҳолларда эса 3 тадан бўлиб жойлашган. Косача ва тожбарглари 4 тадан. Меваси мазали юмшоқ, жийда ёки тухум катталигида бўлади.

Хурмодошлар – Ebenaceae

20. Гуллари кўшгулкўрғонли, кўшжинсли, йирик, 7-12 см оқ пушти рангда. Чангчилари кўп, ипчалари бир-бирларига туташган, меваси кўсакча.

Гулхайридошлар- Malvaceae

- Белгилари бошқача. 21

21. Доимий яшил бута. Барглари қарама-қарши жойлашган. Гуллари каллаксимон тўпгул. Гулкўрғони 3-6 та барндан иборат. Шамшоддошлар – Vихасеae

-Белгилари бошқача. 22.

22. Гуллари гулкўрғонсиз ёки гулкўрғон оддий ва рангсиз, баъзан у плёнка ёки кичкина тангачага ўхшайди. Барглари мураккаб, патсимон.

Гулкўрғон оддий, рангдор ёки кўшгукўрғонли, барглари оддий. 24.

23. Барглари пояда кетма-кет жойлашган. Чангчи гуллари кучала ҳосил қилади. Уруғчи гуллари якка- якка ёки бир нечтадан бўлиб, тўп –тўп жойлашган. Меваси сохта дуккакли ёнғоқ. Ёнғоқдошлар – Juglandaceae

-Барглари 5-12 жуфт ён баргчали, тоқпатсимон мураккаб барг. Ўткир кўлланса хидли. Симарубдошлар- Simurubiaceae

24. Барглари ён баргчали, оддий, чети арра тишли, гулкўрғон 5 бўлаккли, чангчилари 4 та, тумшукчаси 2 та, меваси намли ёки қурук данакли мева. Қайрағочдошлар- Ulmaceae

-Барглари оддий, пояда қарама- қарши жойлашган. Косача ва тожбарглари ҳамда чангчилари 4-5 тадан. Меваси 3-5 бўлаккли кўсакча. Барглари қалин, ялтироқ доимий яшил бута. Нормушкдошлар- Celastraceae.

## 1.2. Туркум ва турлар аниқлиги.

### I. Қарағайдошлар оиласи- Pinaceae.

Туркумлар аниқлагичи.

1. Нинабарглари новдага битадан жойлашган узунлиги 1.5-3.5 см.

Қорақарағай - Piceae туркуми.

Оддий қорақарағай- Picea excelsa Linx

Нина барглари иккитадан жойлашган, узунлиги 8-15 см.

2. Қарағай- Pinus- туркуми.

1) Барглари кетма- кет жойлашган.

Қирим қарағайи – *Pinus pallasiana* -----

2) Барглари тўп –тўп бўлиб жойлашган. П. Силвестрис.

II. Гингкодошлар оиласи- *Ginkgoaceae*. *Ginkgo biloba* тури, *Ginkgo* туркуми.

III. Арчадошлар оиласи- *Cupressaceae*

Туркумлар аниқлагичи.

1.Қуббаси юмалоқ ёки бироз чўзиқ, етишиш жараёнида этдор смолали бўлади, ёғочлашмайди, пишганда ҳам очилмайди.

1.Арча- *Juniperus* 1. туркуми.

Қуббаси кўсаксимон, етишиш жараёнида ёғочлашади, пишганда очилади.

Саур – *Biota D.Don.* туркуми.

1. Виргин арчаси- *Juniperus xirginiana*.

2. Шарқ саври – *Biota orientalis* (1) Ende.

IV. Толдошлар оиласи – *Salicaceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

1. Барглари қисқа бандли. Гул олди тангача барглари бутун. Чангчилар сони 2 ёки 3-5 та. Гулқўрғонсиз. Куртаги бир- бир тангача баргли.

1.Тол- *Salix*. Туркуми .

Барглари узун бандли. Гул олди тангача – баргларнинг учи қирқилган. Чанчилари кўп. Курмаги кўп тангачабаргли. Терак – *Populus*. Туркуми. Тол туркуми – *Salix*. Турлар аниқлагичи.

1.Курмаги 5-6 мм узунликда, новдалари тик, йўғон бўлиб ўсади. Барглари чўзиқ наштарсимон, ўткир. Оқ тол- *Salix alba* тури. Курмаги 3-3.5 мм узунликда, новдалари тик, йўғон бўлиб ўсади, то ергача эгилиб ўсади. Баргалари наштарсимон, ости бироз яшил. Мажнунтол – *Salix babylonica* (бошқа турлари келтирилмади).

Терак туркуми – *Populus*.

### **Турлар аниқлагичи.**

1. Куртаклари смолали. Барглари чети текис бўлакли, майда тишли. Гул олди тангача барглари туксиз ёки бироз тукли. Кўсак меваси тухумсимон ёки деярли думалоқ, қалин ғадир- будур пўстли. 2.

-Куртаклари смоласиз. Барглари чети нотекис бўлакли, гул олди тангача барглари сертук. Меваси кўсак, наштарсимон ёки чўзик тухумсимон, юпқа силлиқ пўстли. 3.

2. Барглари иккала томони сарғиш- яшил тусда, учбурчаксимон, учи бирданига ўткирлашган. Қоратерак ёки мирза терак. *Populus nigra*.

-барглари узун 12 см етади, барг банди ҳам узун, туксиз, хушбўй хидли балзамга эга. Балзам терак- *Populus balsamifera*.

3. Барг бўлақлар барг энининг деярли чорагига тенг. Куртаклари туксиз, 4-5 мм узунликда. Оқ терак – *Populus alba*.

- Барг бўлақлари барг энининг деярли яримига тенг. Куртаклари қалин туклар билан қопланган 12-12 мм. Бахофен ёки кўк терак – *Populus bachofenii Wierzb*.

V. Букдошлар (қорақайиндошлар) оиласи – *Fagaceae*

Эман , дуб туркуми – *Quercus*, граб – *Corylus*.

1. Қизил эман – *Quercus robur, corylus betulus*.

VI. Турдошлар оиласи – *Moraceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

Шохлари тиконли. Тўпмевасининг эни 6-12 см. Маклюра туркуми – *Maclura*

*Nutt. Maclura aurantica Nutt.*

- шохлари тикансиз. Тўп мевасининг эни 1-3 см.

Новда ва барг бандлари деярли туксиз. Тўпмеваси оқ, қора, бинафша, қизил

рангда. *Morus* туркуми.

- Новда ва барг бандлари узун тукли. Тўпмеваси етилганда сарғиш – қизил



рангли. Қоғоз дарахти туркуми – *Broussonetia* Herit. *Broussonetia*  
*Papyrifera*

Herit.

Тут туркуми – *Morus*.

Турлар антиқлагичи.

1. Барг банди 1.5- 3 см. Барг япроғининг узунлиги 13 см, ени 9 см.  
Тўп меваси 310 мм узунликда қизил, шохлари кулранг ёки қўнғир.

Қўноқ тут. *Morus bombycis* coids тури.

-Белгилари бошқача.

2. Барг банда 3-6 см. Барг япроғи қалин, бутун, ялтироқ ва силлик,  
четлари йирик тишли. Тўп меваси 2.5 -3 см қора. *Morus multicaulis* Perrinon  
тути тури.

- Барглари юпка, ясси 2-5 бўлакли ёки патсимон қирқилган, четлари  
тумтоқ тишли. Тўп меваси узунчоқ, оқ пушти, қизил, қора.

*Morus alba*- Оқ тут.

VII. Чинордошлар оиласи – *Platanaceae*.

Чинор туркуми – *Platanus*. Шарқ чинори *Platanus orientalis*.

VIII. Раъногулдошлар оиласи – *Rasaceae*.

Раъногул туркуми – *Rosa*. Атиргул- *Rosa chirensis* – яса,  
Лавровишня- *Zaurocerasus officinales*.

9. Дуккакдошлар оиласи – *Fabaceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

1. Барглари оддий, шохлари тикансиз. Гуллари пушти, поя ва  
шохларида тўп – тўп бўлиб жойлашган. Арғувон туркуми – *Cercis*.

- Барглари мураккаб. Шохлари тикансимон, баъзан тикансиз.  
Гуллари оқ, пушти – сариқ.

2. Гуллари оқ. Шохлари тиканли ёки тикансиз. Қаттиқ тукли ёки  
тиканчали, дуккак меваси силлик. Акция – *Robinia* туркуми.

Гуллари сарғишроқ. Шохлари тикансиз, туксиз, дуккак меваси  
чўткасимон.

3. Барглари 5-7 жуфт баргчали. Тўп гул 20-35 см узунликда, қисқа туклар билан қопланган. *Sophora*. Тухмак туркуми.

-Барглари икки марта жуфт патсимон.

4. Барглари жуфт патсимон, мураккаб, чанчилари кўп, остки қисми туташган, тожбаргларга нисбатан анча узун- Ипак акация- *Albissia Durazz* туркуми.

- Гуллари айрим жинсли, баъзан қўш жинсли, тўғри, чангчиси 6-10 та, эркин, ўзаро тутишмаган. Дуккак меваси етли, йирик, пишганда қўнғир рангли, уруғи атрофига кўплаб шира тўпланади ва уни истемол қилиш мумкин. Тикан дарахти туркуми- *Gleditschia*.

Арғувон туркуми – *Cercis*. Қўзоқ мевали арғувон- *Cercis siliquastrum*. Сохта акация туркуми- *Robinia Robinia pseudoacacia*. Софора туркуми- *Sophora*. Япон тухмаги – *Sophora japonica*. Альбизия –ипак акация туркуми – *Albizzia Durazz* ипак акация – *Albizzia julibrissum Durazz*. Гиледирия туркуми- *Gleditschia*. Тикан дарахти – *Gleditschia triacanthos*. Бўёқбоп дрок – *Genista tinctoria*.

X.. Шамшоддошлар оиласи – *Buxaceae* .

Шамшод туркуми – *Buxus*. Шамшод дарахти – *Buxus sempervirens*.

XI. Зарангдошлар оиласи – *Aceraceae*.

Заранг туркуми – *Acer*.

Турлар аниқлагичи.

1. Барглари мураккаб, тоқпатсимон 3-7 бўлакли, меваси қанотчали, 3-6 см. Шумтол барг заранг – *Acer negundo*.

- Барглари оддий, бутун, ўймали ёки бўлакли.

2. Барглари асосан 5-7 бўлакли. Ҳосил шохчалари баъзан уч бўлакли.

- Барглари бутун ёки учи бир оз 3- қисимга кесилган, четлари нотекис тишли, тухумсимон ёки деярли думалок, узунлиги 4-12 см, эни 2-8 см, меваси қанотли 2.5- 4 см, пишганда оқ- пушти ёки оқ-сарик рангда бўлади.

Татар заранги- *Acer tatarikum*.

3. Барглари анча йирик, узунлиги 5-18 см, эни 8-22 см, 5-7 бўлаккли. Тугунчаси туксиз. Меваси қанотчали, 5 смгача ясси, чинор баргли. Заранг – *Acer platanoides*, кенг барли заранг.

- Барглари ярмигача ёки 2/3 қисмигача қирқилган, 5-10 см, баъзан уч бўлаккли, усти қорамтир яшил, орқаси оқиш. Чангчилари гулқўргон баргларидан бироз узун. Ёш новдалари сарғиш-қўнғир. Дала заранги – *Acer compestre*.

XII. Сохта каштандошлар оиласи- *Hippocastaniaceae*. Сохта каштан туркуми-*Aesculus*. *Aesculus hippocatanum*.

XIII. Чилонжийдадошлар оиласи- *Rhamnaceae*. *Ziziphus* Mill- чилонжийда ёки уноби туркуми. Чилонжийда – *ziziphus jujube* Mill.

XIV. Жукадошлар оиласи- *Tiliaceae*. Жука (пипа) туркуми- *Tillia*. *Tillia platyphyllos* scor. Майда баргли жука, йирик баргли жука.

XV. Гулхайридошлар оиласи – *Malvaceae*. Бўритароқ туркуми- *Hibiscus*. *Cyrus* бўритароғи – *Hibiscus syriacus*.

XVI. Зайтундошлар оиласи- *Oleaceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

1. Барглари оддий, бутун ёки бўлакларга бўлинган.

-Барглари мураккаб, тоқ патсимон ёки уч бўлаккли.

2. Барглари бутун чети текис.

-Барглари бутун ва бўлаккли, чети тишли. Форзиция- *Forsythiya vahl*.

3. Барглари кенг, тухумсимон ёки чўзин наштарсимон. Сиреъ- *Syringa*.

-Барглари наштарсимон қаттиқ- Лигуструм- *Ligustrum*.

4. Дарахт. Шоҳчалари қўнғир, барглари карама-қарши ёки халқасимон жойлашган. Шумтол туркуми- *Fraxinus*.

Бута шоҳлари яшил. Барглари навбатлашиб жойлашган. Жасмин- *jasminium*.

Турлар антқлагичи. Шумтол – *Fraxinus* туркуми.

Баргларининг чекка қисми ўткир тишли. Бош барг банди ва бандачалар туксиз.

-Баргларининг фақат текис қисми тишчали. Бош барг банди ва бандчалар тукли. Қора шумтол- *Fraxinus pensylvanica*.

2.Юқори қисмидаги баргчалар тескари тухумсимон, наштарсимон, чўзиқ наштарсимон ёки наштарсимон. Оддий шумтол- *Fraxinus excelsior*.

Форзиция- *Forsythia*. Туркуми. Осилган форзиция- *Forsythia suspense vahl*.

Сирен - *syringa* туркуми.

1.Барглари кенг ёки ингичка тухумсимон, асоси юраксимон кесилган. Оддий сирен - *syringe vulgaris*.

Барглари тухумсимон- наштарсимон . Гуллари пушти. Ҳиндистон сиренги –*Syringa indica*.

XVII. Шилвидошлар оиласи – *Caprifoliaceae*

Туркумлар аниқлиги.

Гуллари қалқонсимон тўпгул ҳосил қилади. Маржон дарахти – *Sambucus*.

-Гуллари жуфт-жуфт бўлиб жойлашган ёки шингилсимон тўпгул ҳосил қилади. Шилви- *Jonicera*.

Маржон дарахти туркуми – *Sambucus*. Маржон дарахти дарахти – *Sambucus nigra*.

XVIII. Ситарубдошлар оиласи – *Sumarubaceae*.

Айланта туркуми – *Ailanthus Dest*. Бўйчант айланта – *ailanthus altissima (Mill)Swing*.

XIX. Қайрағочдошлар оиласи – *Ulmaceae*.

*Ulmas*. Туркуми. Пўкак қайрағоч – *Ulmus Suberosa Moench*. *U. densa*.

XX. Хурмодошлар оидаси – *Ebenaceae*.

Сафсан – *Dijsyros* туркуми.

Турлар аниқлагичи.

Етук ҳолдаги баргларининг ҳар икки томони туксиз, ёки остки томони тукли ёки ўрта томир атрофи тукли. Меваси жийда меваси катталигида майда. Виргин хурмоси – *Diosperus virginiana*.

- Етук баргларинынг хар икки томони туксиз ёки остки томони сийрак тукли. Барг банди 1смдан қисқа. Барг япроғининг асос қисми юмалоқроқ. Меваси тухумдек йирик. Шарқ хурмоси – *Diospyrus kakki* 2.F.

XXI. Нормушкдошлар (бересклетдошлар) оиласи - *Celastraceae*.

Нормушк туркуми – *Evonymus*.

Япон нормушки – *Evonomus japonica*.

XXII. Ёнғоқдошлар оиласи – *Juglandaceae*. Ёнғоқ туркуми – *juglans*.

Турлар аниқлагичи.

Меваси ёнғоқ шаклида, пўстидан данакли қисми, данакдан мағзли қисми осон ажралади. Ёнғоқ – *juglans*. *Juglans regia*. Жуфт пўстли, меваси ёнғоқ шалида, пўстидан ва данак қисми мағзидан қийин ажралади ёки ажралмайди. Қора ёнғоқ – *juglans nigra*.

XXIII. Қайиндошлар оиласи – *Betulaceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

Чангчили гуллари новда ёнидан чиққан кучалаларда, уруғчи гуллари уч томондан чиққан тўпгулда жойлашган. Траб – *Carpinus*.

-Чангчили гуллари шоҳчалар учидан чиққан кучалаларда, уруғчили гуллари новда ёнидан чиққан тўпгулда жойлашган. Қайин – *Betula*. Граб – *Carpinus betulus* ; Оқ қайин – *Betula pendula* Roth.

XXIV. Тизимгулдошлар – *Verbenaceae*.

Туркум Марям дарахти – *Vitex*.

Марям дарахти – *Vitex agnus castus*.

XXV. Магнолиядошлар оиласи – *Magnoliaceae*.

Туркумлар аниқлагичи.

Барглари оч яшил, ялтироқ 12-15см узунликда, учи қирқилганга ўхшаш кўринишда. Гули бироз йирик лола гулига ўхшаш, 6 см узунликда. Лола дарахти – *Ziriodendron*

-Барглари 12-15см узунликда қалин этли, ости сарғишт. Гули 17-22 см узунликка оқиш сут рангли. Магнолия.

Лола дарахти – *Ziridendron* туркуми. *Ziridendron tulipifera*. Магнолия – *Magnolia* туркуми. *Magnolia grandiflora*.

XXVI. Бигнониядошлар – Bignoniaceae. Каталъпа туркуми – *Catalpa*.

Турлар аниқлагичи.

Баргланининг учки қисми қисқа ўткирлашган, ёқимсиз хидли.

Тўпгули кўп гулли. Бигнониясимон каталъпа – *Catalpa bignonioides*. Welt.

-Баргланининг учки қисми узун ўткирлашган, хидсиз. Тўпгули кам гулли. Гўзал каталъпа – *Catalpa speciosa*.

XXVII. Лагниядошлар – Zoganiaceae.

Туркум – Буддлейя – *Buddleia*. *Buddleia davidii* Franch.

XXVIII. Пустадошлар – Anacardiaceae. *Rhus tirta* – Сумох.

XXIX. Зирқдошлар – Berberidaceae – *Berberis*, *Mahonia*.

XXX. Сапинадошлар – Sapinaceae – *Koelerenteria* – Совуи дарахти.

## **II –Боб. Университет худудида экиб ўстириладиган манзарали ўсимлик турларининг биоэкологияси, фойдали хусусиятлари.**

### **2.1. Манзарали, ноёб ва истиқболли ўсимликларни кўпайтириш ва уларни муҳофаза қилиш**

1. Гингко – Ginkgol. Туркуми, Гингкодошлар оиласига мансуб бўлиб, бир дона турга эга.

Гингко билоба – Ginko biloba. Манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. У Мезозой эрасида ер юзасида кенг тарқалган бўлган. Муз даврининг бошланиши билан ҳамма ерда иқлимнинг ўзгариши натижасида йўқ юўлиб кетган, фақат яшил ёввойи ҳолда Шарқий Осиёда учламчи даврининг реликт ўсимлиги тарзида сақланиб қолган.

Гингко билоба чиройли, моноподиал шохланган дарахт бўлиб, бўйи 30м га етади ва ташқи қиёфаси жихатидан мирзатеракка ўхшайди. Барги оддий, бандли, япроғи елпиғичсимондир. Барг томирлари дихатомик шохланган. Гингко билоба икки уйли ўсимлик. Уруғи қалин пўстли, ташқи пўсти этли, ички пўсти эса тошдек қаттиқ бўлади. Уруғи пистадек бўлади, уни қовириб ейлади. Ёғочлик қисмидан мевалар тайёрланади. У тупроққа талапчан эмас, ҳавода димиқиш, ва чанг тўзон бўлса ҳам уни осон ўтказди. Лекин Хитой ва Японияда кўплаб экиб ўстирилади.

Pinus L – Қарағай туркуми, қарағайдошлароиласига мансуб бўлиб, 100дан ортиқ турни ўз ичига олади. Улар доимий яшил дарахт бўлиб, барглари нинасимон. Қарағай турлари асосан Шимолий ярим шарқда, қисман тропиканинг тоғли қисмида ҳам тарқалганва уларнинг ар бири мустақил ўрмонзорлар ҳосил қилади.

Pinus pallasiana Samb – Қрим қарағайи манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Бўйи 40м гача етадиган, шох-шаббалар соябонсимон ёки конуссимон, нина барглари то 18смга етадиган доимий яшил дарахт.

Табиий ҳолда Қрим ва Кавказ тоғларида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида боғларда, хиёбонларда экиб ўстирилади. У турли касалликларга бардошли, ёруғликка нисбатан талабчан, тупроққа эса унча

талабчан эмас. Табиий ҳолда ўрмонлар ҳосил қилади, унинг ёғочи ўта мустаҳкам, смолали. *Pinus silvestris* – оддий қарағай. Булар бир-бирига анча ўхшаш дарахтлар.

3. *Picea Districh* – Қора қарағай туркуми Қорақарқғайдошлар оиласига мансуб бўлиб, 45 турни ўз ичига олади. Улар доимий яшил, чиройли, йирик дарахт бўлиб, шохчалари сохта ҳалқа шаклида жойлашган. Нина барглари қаттиқ, тўрт қиррали, пояда биттадан навбатлашиб 34г жойлашган. Улар Европа ва Осиёда, Шимолий Америкада тарқалган. Улар салқинга чидамли лекин заводлар чиқарадиган газларга чидамсиз.

*Piceae excelsa link* – Оддий қора қарағай – бўйи 30-45м га етадиган, шох-шаббалари чиройли, тўқ яшил, пирамида шаклда, сояга чидамли. Ўқ илдизи тезда ўсишдан тўхтамайди ва унинг ўрнига ён томонга кетган бақувват ён илдизлар ривожланади. Нина барги 2-3см узунликда, 4қиррали, кўндаланг кесимли ромб шаклдаюўлиб, қалин ўрнашган. У Шимолий Европада кенг тарқалган бўлиб мустақил ва бошқа қарағай турлари билан биргаликда ўрмонзорларни ҳосил қилади. Оддий қарағай манзарали ўсимлик сифатида кенг кўламда екиб ўстирилмоқда.

4. *Biota* – сарб туркуми арчадошлар – сарб- дошлар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, унинг бир тури бор. У Хитойнинг Шимолий қисмида тарқалган *Biota orientalis Endil*. Шарқ Сарви. Бўйи 15-18м га етадиган дарахт ёки бута. Унинг барглари оч яшил рангда, куббаси 10-20мм, 3-4та устма уст жойлашган тангачалардан ташкил топган ва чаноқсимон кўриниш ҳосил қилади. Март- апрель ойларида гуллайди, уруғлари сентябр-октябрь ойларида етилади. Бу ўсимлик ҳилма-хил кўринишдаги манзаралар ҳосил қилади. Шунинг учун у ҳозирги кунда кенг кўламда манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилмоқда. Унинг ватани Япония-Хитой *Juniperus L* – Арча туркуми, арчадошлар-сарвдошлар оиласига мансуб бўлиб, 70 турга эга, уларнинг ҳаммаси доимий яшил дарахт. Арчанинг турлари табиий ҳолда асосан Шимолий ярим шарда тарқалган, бир қисми тропиканинг тоғли қисмида учрайди. Барглари нинасимон ёки кўпроқ тангачасимон. Куббалари резаворсимон



(ягодообразные). Кўпчилиги ёруғ-совувчи, қурғоқчиликка чидамли. Айримлари табиатда ўрмон ҳосил қилади. Кўпчилиги манзарали дарахт ёки бута, лекин ҳавони димиқиши ва чанг тўзонга ўта чидамсиз.

5. *J. Virginiana* L. Виргиния арчаси. Бўйи 15-30м гача етадиган сершоҳ дарахт. Барглари яшил майда 2мм узунликда, тангчасимон, ҳар бир бўғимида 3тадан бўлиб жойлашган. Қуббаси майда мош катталигида, етилганда қорамтир рангли 1-2уруғли.

Гуллаш мартъ-апрель, уруғларини етилиши сентябр-октябр ойларида кузатилади. У манзарали ўсимлик сифатида ҳамма жойда экилади. Ватани Шимолий Америка. У фитонцидларгабой ҳар жиҳатдан фойдали ва кўркам ўсимлик. Тупроққа унча талабчан эмас, биров шўрланган ерларда ҳам яхши ўсади. Ёғочлик қисмидан қалам ва мебеллар тайёрлашда фойдаланилади.



*J. Virginiana* L. Виргин арчаси

6. *Salix alba* I – Оқ тол. 20-30м гача етадиган, пўстлоғи тилим-тилим бўлиб ёриладиган дарахт. Барги шоқ наштарсимон, ўткир учли, чети майда арратишли, устки томони тўқ яшил, ҳар икки томони тукли. Гули билан барги бир вақтда ҳосил бўлади. Апрель- май ойларида гуллаб урғлайди. Табиий ҳолда Осиё ва Ғарбий Европада тарқалган. Уни манзарали ўсимлик сифатида қадимдан экиб келинади. Лекин ҳашоратлар таъсирига тез берилувчан. Пўстлоғи таркибида қизғиш- жигарранг бўёк бўлади.

*Salix babylonica* L – мажнунтол. Бўйи 10-12 м гача етадиган, шох – шаббалари то ерга қадар эгилиб ўсадиган, новдалари эгилувчан, туксиз ва ялтироқ ўта манзарали тез ўсадиган дарахт. Барглари тор наштарсимон, туксиз, тўп гули баргидан олдин ҳосил бўлади. Март – май ойларида гуллаб уруғлайди. Табиий ҳолда Эронда тарқалган, лекин уни манзарали ўсимлик сифатида ер юзининг деярли ҳамма қисмида экиб ўстирилади.

7. *Populus* L – терак туркуми ҳам толдошлар оиласига мансуб бўлиб, 110 турни ўз ичига олади. Шундан 12 тури экиб ўстирилади. Буларнинг ҳаммаси Шимолий ярим шарда табиий ҳолда тарқалган. Терак турлари икки уйли, айримларини бўйи 40-45 (60) м. Гуллари кучаласимон, барглари билан тенг ҳосил бўлади ёки олдинроқ ҳосил бўлади. Мевалари кўсак, уруғлари кўп сонли тукларга эга. Уруғи тезда унуш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун улар қаламга, тўнка, илдиз бачки ёрдамида вегитатив йўл билан осон кўпаяди ва тез ўсади. Ёғочли қисмидан қоғоз, фанер ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашда, қурилиш материали сифатида қадимдан фойдаланиб келинади.

*Populus alba* L – Оқ терак. Бўйи 30-35 м гача етадиган, диаметри эса 2 м гача бўладиган, шох – шаббалар ёки пирамидасимон. Барглари 3-5 нотекис бўлақларга бўлинган. Апрель – май ойларида гуллаб уруғлайди. Табиий ҳолда Ўрта Осиё, Кавказ, Европа ва Африкада учрайди. Уни кўпроқ манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади. Шунингдек, қурилиш материали сифатида ҳам аҳамиятлидир.

*Populus nigra* L - Қора ёки мирзатерак бўйи 30 м гача етадиган, диаметри эса то 4 м гача бўладиган, шох – шаббалари пирамидасимон дарахт . баргларининг банди 2-4 см, япроғи 4-8 см, шакли учбурчаксимон ёки ромбсимон. Март – апрель ойларида гуллаб уруғлайди. Мирзатерак манзарали ўсимлик сифатида, шунингдек қурилиши материали сифатида ҳам аҳамиятлидир. Қадимдан шу мақсадлар учун экиб келинмоқда. Табиий ҳолда Европада тарқалган.

*Populus BACHOFENI* WIRZB – Кўк терак. Бўйи 35 м гача етадиган, шох – шаббалари пирамидасимон, барглари 3-7 нотекис бўлакли, қалин яшил кумуш дарахт. У тез ўсиб , тез етилади. 10 йилда 15-18 м гача ўсади. Март – апрель ойларида гуллаб уруғлайди. Кўк теракни асосан манзарали ўсимлик ҳамда қурилиш материали олиш мақсадида экиб ўстирилади. Табиий ҳолда Ўрта Осиёда тарқалган.

*Populus balsamifera* L – Балзам терак. Бўйи то 30 м гача етадиган, диаметри 4-5 м га борадиган, шох – шаббалари кенг тухумсимон дарахт. Барги узун туксиз баргли, бўйи 12 см етадиган, ўзидан хушбўй ва ёқимли хид таратувчи дарахт. Айниқса, ёнғингарчиликдан кейин ёқимли хидлари сезиларли даражада кўп бўлади. Қаламчалари билан осон кўпаяди, то 100 йилгача яшаши мумкин. Унинг ўсиши намли жойларда, яъни дарё, сой қирғоқларида тез боради. 20 йилда унинг бўйи 22-23 м га етиши мумкин. Унинг кўриниши, хушбўй ёқимли хиди ва тез ўсишини ҳисобга олиб боғу – кўчаларда, шунингдек уни ёғочли қисмидан селлюлоза олиш мақсадида ҳам бошқа жойларда ҳам кўплаб экилади. Табиий ҳолда Шимолий Америкада тарқалган.

8. *Juglans Z.* ёнғоқ туркуми. Ёнғоқдошлар ошдасига мансуб бўлиб, у 40 га яқин турни ўз ичига олади. Ёнғоқ туркумига мансуб турлар асосан Шимолий ярим шарқнинг тропик, суптропик ва иссиқлик бир меъёрида бўладиган ўлкаларга тарқалган. У мевали ва манзарали йирик дарахт ўсимлик сифатида 6 туридан фойдалинади.

*Juglans regia* L – Ёнғоқ туркуми. Бўйи 30-35 м га етадиган дарахт. Ўох-шаббалари кенг, танасининг диаметри 2 м ва ундан ортиқ йўғонликда

бўлиши мумкин. Барглари тоқ патсимон. Гуллари айрим жинсли, эркак гуллари кучала ҳосил қилади, урғочи гуллари 1-2 ёки 3та дан бўлиб новда учида жойлашган. Май ойида гуллаб, меваси сентябр-октябр ойларида етилади. У доривор, озиқ-овқат, ранг берувчи, ошловчи моддаларга бой ҳамда манзарали ўсимлик. Ёнғоқ экиб ўстирилган жойда зарарли микроблар кам бўлади. Чунки ундан ажралиб чиқадиган учувчи моддалар микробларга қирон келтиради. Шунинг учун шифохоналар ва болалар боғчалари ҳовлисига, боғида экиб ўстириш фақат фойда келтиради ҳолос. Тунда шабода эсмаса уни тагида ухлаш тафсия этилмайди. Чунки тунда ўсимлик нафас олади, лекин кислород ажралмайди, натижада ўсимлик томонидан ажратилган учувчи моддалар тўпланиб қолади, оқибатда ётган одам ўзини бир оз ёмон ҳис қилиши мумкин. Ёноқ табиий ҳолда Ўрта Осиёда кенг тарқалган, энг катта ёнғоқзорлар шу ерда ҳосил бўлгани, уни ватани Ўрта Осиё деб айтишга асос бўла олади. *Juglans nigra* L – Қора ёнғоқ. Бўйи то 50м гача етадиган, пўстлоғи қорамтир чуқур ёрилган, барги 25-50см, бир баргдаги баргчалар 4 жуфтдан ортик. Меваси ёнғоқ, мағизи орасига тақалиб томирлар кириб келган ва мағиз тўлиқ ажралмайди. Ошловчи моддаларга ва бўёққа бой ўсимлик. Шунингдек бу тури ҳам ўзларидан учувчи моддалар ажратади. Манзарали ўсимлик сифатида кўп жойларда экилади. Табиий ҳолда Шимолий Америкада тарқалган.

9. *Betula* L. Қайин туркуми, қайиндошлар оиласига мансуб бўлиб, у 120га яқин турни ўз ичига олади. Унинг турлари Шимолий ярим шарнинг деярли ҳамма қисмида учрайди. Қайиннинг 25 тури экилади.

*Betula pendula* Ruth – Оқ қайин. Бўйи 20м га етадиган дарахт. Пўстлоғи оқ, ажралувчи. Барглари ромбсимон-тухумсимон, туксиз, чети ўткир тишли. Бир уйли. Айрим жинсли, гуллари тўпланиб кучала ҳосил қилади. Апрельда гуллаб, октябрда уруғлайди. Манзарали, доривор ўсимлик. Табиий ҳолда Европада тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида кам экилади.

10. *Carpinus betulus* L – Оддий граб. Бўйи 25м гача етадиган дарахт. Ёш новдалари тукли. Куртаги қизғиш-қўнғир рангда, туксиз. Барги

тухумсимон, асоси юраксимон ёки юмалоқ, чети қўш тишли, бўйи 15см, кенглиги 6см. Ёш барглари ичаксимон тукли, кейинчалик туксиз ёки кам тукли бўлиб қолади. Чангчили гулининг бўйи 6см га тенг. Чангчилари сони 5-7 та. Уруғчи гулларининг кучаласимон тўпгулининг бўйи 15см гача бўлади. Меваси ёнғоқ. Март-апрель ойларида гуллаб, меваси июн-июль ойларида етилади. Тупроққа унча талабчан эмас, сояга анча бардогли. У секин ўсади, шунинг учун ёғочи қаттиқ. Ёғочидан машинасозлик саноатида ва мусиқа асбобларини тайёрлашда фойдаланилади. Илдиз бачки ва тўнкалари ёрдамида кўпаяди. Табиатда у камдан-кам ҳолда соф, кўпроқ аралаш ўрмонлар ҳосил қилади. Оддий граб Европада, Қрим ва Кафказда табиий ҳолда тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида кам экилади. Уни мевасидан олинган ёғ, алф тайёрлашда ишлатилади.

11. *Quercus L.* Эман (дуб) туркуми қора қайиндошлар (букдошлар) оиласига мансуб бўлиб, 600 турга эга. Улар Шимолий ярим шарнинг тропик ва ўрта минтақали қисмида табиий ҳолда тарқалган. Унинг 45 тури экиб ўстирилади. Эман турларининг кўпчилиги йирик дарахт ёки кичик дарахт шаклида бўлади. Баъзан бура шаклидагилари ҳам учрайди. Барглари тишчали ёки бўлинмали бўлиб кетма-кет жойлашган. Гуллари кучала шаклидаги тўпгул. Уруғчи гулининг остки қисми тангачалар билан ўралган. Меваси бир уруғли ёнғоқ устки томондан пўст билан ўралган.

*Quercus robur L* – Қизил эман. Бўйи 40м гача етадиган кенг ўоҳ-шаббали дарахт. Барги оддий, 8-20см узунликда, кенглиги 6-15см, 3-4 жуфт йирик бўлмали, тескари тухумсимон. Барг чиқариш ва гуллаш бир вақтга тўғри келади. Тўпгул кучала ёки бошқача кўринишда бўлади. Апрель ойида гуллаб, сентябрь ойида уруғлайди. Ёнғоқчасининг катталиги 1,5-3,5см. Табиий ҳолда Россиянинг Европа қисмида, Ғарбий Европада тарқалган. У ёруғлик ва тупроққа талабчан. Қурғоқчиликка ва шўрга анча чидамли. Қизил эман 400-500 йил (1000) яшаши мумкин. Ёғочлик қисми пишиқ. Мебел тайёрлашда аҳамияти катта. У ошловчи моддага бой, мевасининг пўсти ич кетарга яхши шифо бўлади.



*Quercus L.* Эман дарахти

12. *Ulmus L* – Қайрағоч туркуми, қайрағочдошлар оиласига мансуб бўлиб, 18дан ортиқ турга эга. Уларнинг ҳаммаси йирик дарахт. Барча турларидан манзарали ўсимлик сифатида фойдаланилади. Табиий ҳолда улар Осиё ва Европада тарқалган.

*Ulmus rumila L* – Пўкак қайрағоч, қайрағочдошлар оиласига мансуб, бўйи 20м гача етадиган дарахт. Шох-шаббалари қизғиш, қорамтир-қизғиш ёки қуланг-яшил тукли. Барг япроғи 4-10см, эни 3-6см, тухумсимон ёки тескари тухумсимон. Барг тубининг ярми думалоқ, ярим энсиз, учи ўткир, чети аррасимон тишли. Март-апрельда гуллаб, май ойида уруғлайди. Табиий ҳолда Кафказда тарқалган. Ёруғликка талабчан, қурғоқчиликка бардошли. Уруғи билан осон кўпаяди. Ундан манзарали ва ихота ўсимлиги

сифатида фойдаланиш мумкин. У тупроққа талабчан эмас, ҳар қандай шароитда ўсаверади.

*Ulmus densa* Zitw – Сада қайрағоч. Бўйи 30м гача етадиган, танаси сершоҳ, шоҳ-шаббалари шарсимон ёки яллипсимон. Бор япроғининг узунлиги 3-7см, эни 1,5-3см, тухумсимон шаклда. Март-апрель ойларида гуллаб уруғлайди. Табиий ҳолда Ўрта Осиёда тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида кенг кўламда экиб ўстирилади.

13. *Maclura Nutt* – Маклюра туркуми, тутдошлар оиласига мансуб бўлиб, бир турга эга. *Maclura aurantica Nutt* – Сарик маклюра. Бўйи 20м га етадиган дарахт. Шоҳ-шаббалари қалин тухумсимон, пўстлоғи тўқ кўнғирсимон чуқур тилимли. Барглари оддий 15см узунликда, барг кўлтиғидан тиконлар чиққан. Гуллари яшил, тўпмевали этдор, кўндаланг кесими 10-15см, сарғиш олтин рангли, шакли юмалоқ, апелсинсимон. Барча қисмлари айниқса, тўпмеваси сут ширали. Апрель-май ойларида гуллаб, август-сентябр ойларида мева беради. Уруғи қаламчаси ва илдиз бачкиси ёрдамида кўпаяди. Тупроққа унча талабчан эмас. Ёғочли қисми эмандан ҳам мустаҳкам. Манзарали ўсимлик сифатида, шунингдек, тирик деворлар ҳосил қилиш мақсадида экилади.

14. *Morus L* – Тут туркуми, тутдошлар оиласига мансуб бўлиб, 5 турга эга. Шундан 4 тури Осиёда, бир тури Америкада тарқалган. Икки тури қадимдан Хитой, Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда турли мақсадларда экиб келинмоқда. Барглари оддий, сут ширали ўсимлик. Гули бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади, гули кўринишсиз икки уйли ёки бир уйли айрим жинсли ўсимлик. Меваси этли тўп мева. Мевалари истеъмолга яроқли. Уларнинг турли шакллари манзарали ўсимлик ёки ипак қурти учун озуқа, шунингдек меваси учун экиб ўстирилади.

*Morus alba L.* Оқ тут. Бўйи 15-20м га етадиган дарахт. (бўйи 15-20) Барглари тўқ-яшил, гуллари кўринимсиз, тўпмеваси сершира, уруғи майда ёнғоқча.

Оқ тутнинг 400 дан ортиқ сортлари бор, улардан кўпчилиги барги ва меваси учун экилади. Оқ тут табиий ҳолда Хитойда тарқалган. У яхши

бўёқ берувчи, доривор, озиқ-овқат ва манзарали ўсимлик сифатида кўпчиликка маълум.

*Morus nigra* L – Шох тут. Бўйи 708м гача етадиган дарахт. Пўсти қизғиш-кўнғир. Барги бутун, қалин, ғадир-будур, банди 2-3см, япроғи 8-15см узунликда, эни 9см. Тўпмеваси 2-2,5см узунликда қора ёки тўқ бинафша рангли. Апрель ойида гуллаб, меваси июнда етилади. Табиий ҳолда Эрон ва Афғонистонда тарқалган. У яхши шифобахш, озиқ-овқат ва манзарали ўсимлик.

*Morus multicaulis* Pers – Япон тути. Паст бўйли, барглари йирик, қалин, бутун. Ялтироқ ва силлик, четлари йирик тишли, барг банди 3-6см. Апрель ойида гуллайди, меваси май-июнда етилади. Табиий ҳолда Японияда тарқалган. У манзарали ўсимлик, лекин кўпроқ барги учун экилади. Меваси истеъмолга яроқли.

15. *Broussonetia* L – Қоғоз дарахти туркуми, тутдошлар оиласига мансуб бўлиб, 3 турни ўз ичига олади. Барча турлари Шарқий Осиёда табиий ҳолда тарқалган. Улар икки уйли, гуллари кўранишсиз, бошоқчасимон тўпгулли, тўпмевалари этли қизғиш рангли ўсимликлардир. Буларнинг ҳаммасида сут шира бўлади. Меваси тутни мевасига ўхшаш, лекин истеъмолга яроқсиз.

*Broussonetia parpurifera* (Z) Vent – Қоғоз дарахти. Бўйи 16 метргача етадиган йирик дарахт ёки баъзан бута. Барглари оддий, остки асос қисми юраксимон, чекка қисми яхлит ёки ҳар хил даражада қирқилган, 5-20см узунликда. Пўстлоғининг ички томонида толалар қалин бўлиб мустахам жойлашган. Бу толалардан Японияда япон қоғози тайёрланади. Толалардан турли хил матолар тўқиш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин. Табиий ҳолда у Хитой ва Японияда тарқалган. Қоғоз дарахти тола берувчи ва манзарали ўсимлик.

16. *Platanus* L – Чинор туркуми, чинордошлар оиласига мансуб бўлиб, 8 турни ўз ичига олади. Улар табиий ҳолда Шимолий Америка ва Ўрта ер денгизи атрофида тарқалган. Буларнинг барчаси кенг шох-шаббали дарахтлардир. Барги узун бандли, барг япроғи панжасимон бўлакли оддий



барг, гуллари кўринимсиз, бир жинсли бўлиб, шарсимон тўпгулга йиғилган. Меваси ёнғоқча. Уларнинг ҳаммаси турли касалликларга бардошли, тез ўсадиган манзарали ўсимлик сифатида аҳамиятлидир.

*Platanus oriennhalis* – Шарқ чинори. Бўйи 2-30 (50)м гача етадиган дарахт. Барглари 3-5 (7) бўлимли, ёки барглари тукли, кейинчалик туксиз ёки кам тукли. Меваси юмалоқ, дағал тукли тўпмева. Бир бандида 2-7 та тўпмева жойлашган, диаметри 2,5см. Уруғи ҳамма томондан қаттиқ тук билан ўралган.

Апрель ойида гуллаб, меваси сентябр-октябрь ойида етилади. Табиий ҳолда Болқон ярим оролида, кичик Осиёда ва Эгяй денгизи оролларида тарқалган. Чинор узок умр кўрадиган, тез ўсадиган манзарали ўсимлик. Уни Фарғона вилояти Фарғона тумани Водил қишлоғида, Сариосиё туманида, Қашқадарёнинг Яккабоғ туманида сақланиб келинаётган чинор туплари 800-1000 йил яшаб келаётган ва ўта улкан дарахтлардир. Лекин унинг барглари йил давомида тўкилиб, кўча ва боғларни умуман чинор экилган майдонларни ифлос қилиб туриши ва апрель ойида, айниқса ёппасига гуллаган даврида гул чанглари ҳавони шу қадар ифлослайдики, нафас олганда кўпчилик одамларга турли хил аллергия касалликлар келиб чиқаришга сабаб бўлади. Лекин тез ўсиши, касалликларга бардошлилиги, барг, шоҳ-шаббаларининг тўғри ўсиб кўркам қуриниш ҳосил қилиши, умрбоқийлиги, қадимийлиги туфайли ундан воз кечиб бўлмайди.

17. *Rosa L* – Раъногул туркуми, раъногулдошлар оиласига мансуб бўлиб, 400 турни ўз ичига олади. Уни ҳозирги кунда 10 000 дан ортиқ турлари бор. Ёввойи ҳолда ўсувчи турларининг гули қат-қат бўлмайди. Маданий ҳолда экиладиган сортларнинг гулкўрғонлари қат-қат бўлиши билан ажралиб туради. Барглари тоқ патсимон, гуллари якка-якка ёки соябонсимон-рўбаксимон тўпгулли. Меваси бир уруғли ёнғоқча. Ёввойи турларини уруғи билан кўпайтирилади ва унинг ниҳоллари атиргул учун пайвантак сифатида фойдаланилади ва шу тартибда атиргуллар кўпайтирилади.

*Rosa chinensis jaca* – Атиргул. Бу тур табиий ҳолда учрамайди. Баъзан у илашувчи, баъзан доимий яшил ҳам бўлиши мумкин. Пўстлоғи силлиқ, яшил рангни, ялтироқ, тикончалари якья-якка, лекин йирик. Гули йирик, қат-қайт бўлиб жойлашган, ранги ҳилма-хил, оқ рангдан то қизилгача бўлади. Гуллаш май ойидан бошланиди то кеч кузга қадар давом этади. Атиргул ҳушбўй ҳидли ёки ҳидсиз бўлса-да, ранг-баранглиги гулининг йироқ бўлиши билан ҳаммани ўзига жалб қилади. Шунинг учун ҳам атиргул манзарали ўсимлик сифатида ҳамма жойда экилади. Уни эфир мойига бой сортларидан тожбарглари йиғиб мураббололар тайёрланиди, эфир мойи олиш мақсадида ҳам фойдаланилади.

18. *Albizzia Durrazz* – Албузия туркуми дуккакдашлар оиласига мансуб бўлиб, 25 турни ўз ичига олади. Бу туркум турлари Шимолий ва Жанубий ярим шарининг тропик ва субтропик қисмида табиий ҳолда тарқалган. Гули айрим жинсли, қўшгулкўрғонли, косача ва тожбарглари 5 тадан чангчиси кўп, тугунчаси кўп сонли уруғкуртақдан иборат. Меваси дуккак. Уларнинг деярли барчаси шох-шаббалари чиройли, гуллари ранг-баранг бўлиб, манзаралари ўсимлик сифатида аҳамиятлидир.

*Albizzia julibrissin Durrazz* – Ипак акация. Бўйи 8-10м га етадиган дарахт. Барглари 2 марта патсимон жуфт мураккаб, 7-28 жуфт барглари бор. Гуллари шарсимон тўпгул ҳосил қилади. Гуллари оқиш сарик, чангчилари пушти рангли. Меваси 7-15см узунликдаги дуккак. Июнь ойидан то сентябр ойига қадар гуллаб мева тугади. Табиий ҳолда Кафказда, Эронда ва Ҳиндистонда тарқалган. У энг гўзал, касалликларга бардошли, ҳушманзара ўсимлик сифатида кўп жойларда экиб ўстирилади. Уни қуритилган гулидан чойга қўшиш мақсадида фойдаланилади.



*Albizzia julibrissin* Durrazz – Ипак акация

19. *Cercis* L – Арғувон туркуми, дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, 7 турни ўз ичига олади. Улар Европанинг жанубида, Осиёда ва Шимолий Америкада табиий ҳолда тарқалган, дарахт ёки дарахтсимон бута. Барглари оддий юраксимон ёки буйраксимон кўринишда бўлади. Гуллари пушти ёки бинафша рангли бўлиб, эрта баҳорда гуллайди, энг яхши асал берувчи ўсимликлар ҳисобланади. Гуллари баргидан олдин ҳосил бўлади ва бутун танаси, шох-шаббаларини қоплаб олган гуллари ўсимликни янада ҳушманзаралигини оширади. Улар қаламчалари ва уруғлари ёрдамида кўпайтириладиган манзарали ўсимликдир.

*Cercis siliquastrum* L – Оддий кўзоқ мевали арғувон. Бўйи 7-15м га етадиган дарахт ёки йирик бута. Шох-шаббалари шарсимон, пўстлоғи деярли қорамтир. Барглари оддий, юраксимон ёки буйраксимон. Гуллари 8-10та дан бўлиб жойлашган, пушти-бинафша рангли. Меваси дуккак,

узунлиги 7-10см, эни 1см. Апрель-май ойдан бошлаб гуллаб, меваси июль-августда етилади. Табиий ҳолда Ўрта ер денгизи регионларида тарқалган. У ажойиб манзарали, ошловчи моддаларга бой, асал берувчи ва бўёқбоп ўсимликдир. Манзарали ўсимлик сифатида айрим жойларда, кўпроқ боғларда экиб ўстирилади.



*Cercis L* – Арғувон

20. *Styphinolobium* (*Sophora*) – Тухумак туркуми, дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, 20га яқин турни ўз ичига олади. Шундан 6-7 тури дарахт шаклида бўлиб, Америка ва Осиёнинг тропик ва субтропик қисмида табиий ҳолда тарқалган. Барглари яшил, тоқ патсимон, гуллари сарғиш яшил ёки оқиш яшил, оч яшил шингил шаклида, мевалари, ловия мевасига ўхшаш дуккак мева, лекин у чатнамайди.

*Styphinolobium* ёки *Sophora japonica L.* Япон тухумаги. Бўйи 10-30м гача етадиган, кенг ва думалоқ, шох-шаббали, тўқ кулранг пўстлоқли,

новдалари тикансиз, барглари тоқ патсимон мураккаб, бўйи 25-30см, баргчалар сони 9-17 тагача ёки 5-7 жуфт бўлади. Тўпгуллари 20-30см га етади. Гули оч сариқ. Тож баргининг бири байроқча, 2таси қайиқча, 2таси эшкак шаклида. Меваси 3-8см га етадиган дуккак. Июлдан то октябр ойига қадар гуллаб, август-ноябр ойларида меваси етилади. Табиий ҳолда Хитой ва Японияда тарқалган. У доривор ва манзарали ўсимлик сифатида қадимдан экиб келинади. Шунингдек, у бўёқбоб ўсимликдир.

21. *Robinia L* – Робиния туркуми, дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, 20га яқин турни ўз ичига олади. Улар Шимолий Америка ва Мексикада табиий ҳолда тарқалган. Улар дарахт ёки бута кўринишида бўлади. Барглари тоқ патсимон мураккаб барг, ён баргчалари айримларида тиканчаларга айланган. Гуллари оқ, пушти ёки қизил бўлиб шингил шаклидаги тўпгуллар ҳосил қилади. Меваси дуккак, туксиз, чатнайдиган кўп уруғли, бўйи 10см га етади. Унинг ҳамма турлари тез ўсадиган, қурғоқчиликка бардошли, ёруғ севувчи, тупроққа унча талабчан бўлмаган, уруғи ва илдиз бачкилари ёрдамида осон кўпаядиган ўсимлик.

*Robinia pseudoacacia L* – Сохта акация-оқ акация, бўйи 25-30м га етадиган, кенг шох-шаббали дарахт. Баргларининг узунлиги 25см, баргчалари сони 73-79 жуфт. Гули оқ шингил шаклидаги тўпгулга йиғилган. Дуккак меваси туксиз, узунлиги 10см. Уруғи қуруқ жойда унувчанлигини 2-5 йилгача сақлайди. 12 йилга қадар тез ўсади, 70-80 (100) йилгача яшайди. Ёғочлиги жуда мустаҳкам, пишиқ, ундан столбалар, шполлар тайёрланади. Ўсимлик гулидан асал, эфир мойи, баргидан бўёқ модда, дағал тола олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. Ўсимлик қурғоқчиликка бардошли бўлгани учун ихотазорлар ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин.

Сохта акация гуллаганда жуда чиройли манзара ҳосил қилади. Шунинг учун манзарали ўсимлик сифатида кўплаб экилади. Лекин ҳашаротларга, айниқса ширага ўта чидамсиз. Ватани Шимолий Америка.



*Robinia pseudoacacia* L – Сохта акация

22. *Gleditsia* L. Гледичия туркуми, дуккакдошлар оиласига мансуб бўлиб, 12 турни ўз ичига олади. Унинг турлари Америка, Шарқий Осиё ва Африкада табиий ҳолда учрайди. Одатда тиконли, барги 2 марта қўшпатсимон, бироз яшил, яхши асал берувчи ўсимлик.

*Gleditsia triacanthos* L – Тикон дарахти. Бўйи то 40м гача етадиган дарахт. Шох-шаббалари кенг цилиндрсимон. Мевасининг узунлиги то 50см гача, кўпроғ буралган ҳолда бўлади. Дуккак меваси чорва моллари учун яхши ем, доривор, асал берувчи доривор ва манзарали

ўсимлик. Гуллаш май ойида, мевалаш июн-июл ойида, меваларининг етилиши октябр-ноябр ойларига тўғри келади. Ватани Шимолий Америка.

Тикон дарахти ҳар- хил тупроқли шароитда яхши, тез ўсади, қурғоқчиликка бардошли бўлгани учун тирик деворлар ҳосил қилишда аҳамиятлидир. Ёғочлик қисми ўта пишиқ, чидамли бўлгани учун столбалар, шполлар тайёрланишда фойдаланилади. Шунингдек, унинг мевасидаги ширалар истеъмолга яроқли, шу билан бирга у шифобахш ҳамдир.

23. *Ailanyhus Desf* – Айлант туркуми, симрубдошлар оиласига мансуб бўлиб, 15 турни ўз ичига олади. Улар Жанубий-Шарқий Осий ва Австралияда табиий ҳолда учрайди.

*Ailanthus altissima swingle*. Бўйчан айлант- сассиқ дарахт. Бўйи 20-30м гача етадиган дарахт. Барглари мураккаб патсимон, узунлиги 45-60см, унда 11-25 жуфт баргчалар жойлашган, сассиқ-қўланса хидли. Гуллари икки жинсли, косачабарг 5та, тожбарги 5-6та, яшил-сарик, чангчиси 10та, тугунчаси 2-6 та мевабарглардан иборат. Меваси қанотли. Май ойида гуллаб, июль-августда меваси етилади. У ёруғлик ва иссиқликни севувчи, узоқ яшамайдиган (40-50 йил) ўсимлик. Тупроққа талабчан эмас. Илдиз бачкиси ёрдамида тез кўпаяди ва кўп ўтмай айлантзорларни ҳосил қилади. Унинг пўстлоғи ва барги шифобахш хусусиятга эга. (дизентерияга қарши яхши шифо бўлади.) У тупроқ танламайди, шунинг учун уни даштларда экиб ўстириш яхши самара беради. Манзарали ўсимлик сифатида кам екилади.

24. *Evonymus L* – Бересклет – нормушк туркуми, бересклетдошлар ёки нормушкдошлар оиласига мансуб бўлиб, 220 турни ўз ичига олади. Унинг турлари Жанубий ва Шимолий ярим шарда тарқалган, 20 тури экиб ўстирилади.

Булар бута ёки кичик дарахт, доимий яшил ўсимлик. Барглари оддий, кўпроғи карама-қарши жойлашган. Гуллари яққол кўзга ташланмайди. Гуллари тўпланиб, ярим соябон шаклидаги тўргулларни ҳосил қилади. Меваси кўсакча, қизғиш рангда.

*Evonimus japonica* L – Япон нормушки, бўйи 6,5-8 м гача етадиган, доимий яшил, шохлари 4 қиррали, қўнғир. Гули оқ-яшил. Гул қисмлари 4тадан. Июнь-июль ойларида етилади.

Табиий ҳолда Хитой ва Японияда тарқалган. Йил давомида яшил кўриниш ҳосил қилиб турувчи манзарали ўсимлик. Айниқса, тирик деворлар ҳосил қилишда аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам ундан шу мақсадда кенг кўламда фойдаланиб келинмоқда

25. *Vuxus* L – Шамшод туркуми, шамшодлар оиласига мансуб бўлиб, 30 турни ўз ичига олади. Улар Ўрта ер денгизи, Осиёнинг Шарқий ва жанубий қисмида, Америкада тарқалган. Шамшоднинг барча турлари доимий яшил, кичик дарахт бўлиб, барглари қалин, яшил, ялтироқ, туксиз бўлади. Гуллари майда, куртак қўлтиқларида ҳосил бўлади ва сарик ранглидир. Меваси уч уяли кўсакча.

*Vuxus sempervirens* L – Доимий яшил шамшод. Бўйи 2 (6-7) метрга етадиган дарахт ёки бута. Барги узунчоқ, тухумсимон, эллипсимон, қисқа бандли. Қўсакчаси 7-10мм, юмалоқ-тухумсимон. Апрель ойида гуллайди, меваси август ойида етилади. Табиий ҳолда Ўрта ер денгизи регионларида тарқалган. яшил манзарали ўсимлик.

26. *Acer* L – Заранг туркуми, зарангдошлар оиласига мансуб бўлиб, 150 турга эга. Унинг турлари Шимолий ва Жанубий шарнинг ўрта минтақали қисмида тарқалган. Туркумнинг 45дан ортиқ тури экилади. Булар дарахт ёки бута, барглари яхлит, карама-қарши жойлашган ёки бўлакли ёки мураккаб патсимон. Гуллари майда кўринимсиз, рўвак шаклидаги тўпгуллар ҳосил қилади. Муваси икки қанотли.

*Acer platanoides* L – Чинорбарг заранг. Бўйи 30м гача етадиган, баргининг узунлиги 5-18см, эни 8-22см, 5-7 бўлакли. Ёш новдалари қизғиш-сарик. Тўпгули туксиз. Мевасининг узунлиги 5см гача, ясси қўшқанотли. Апрель ойида баргидан олдин гул чиқаради, август ойида меваси етилади. Табиий ҳолда Европв ва Марказий Осиёда тарқалган. чиройли манзарали ўсимлик.



*Acer campestre* L – Дала заранги. Бўйи 10-12м гача етадиган дарахт. Барглари ярмига қадар 2/3 қисмгача қирқилган, эни 5-10см, 5-3 бўлаккли, устки қисми қорамтир яшил, орқаси оқиш. Чангчилари гулкўрғон баргларидан бироз узун. Ёш новдалари сарғиш-кўнғир. Апрельда гуллаб, июндан августгача меваси етилади. Табиий ҳолда Россиянинг Европа қисмида, Кавказда тарқалган. манзарали ўсимлик сифатида кўча ва боғларда экилади.

*Acer tataricum* L – Татар заранги. Бўйи 10-12м гача етадиган дарахт. Барглари бутун ёки учи бир оз уч қисмга ажралган, четлари нотекстиш, тухумсимон ёки деярли думалоқ, узунлиги 4-12см, эни 2-8см. Меваси 2,5- 4см, етилганда оқ-пушти, оқ сариқ, май ойида гуллаб, августда меваси етилади. Табиий ҳолда улар Шимолий Америкада тарқалган. кўп жойларда манзарали ўсимлик сифатида экилади. У касалликларга анча бардошли ўсимлик.

*Acer negundo* L – Ясин баргли ёки Америка заранги. Бўйи 25м га етадиган дарахт. Пўстлоғи кулранг. Барги тоқ патсимон, баргчалар сони 3-5, баъзан 7-9 та. Ҳар хил шаклда бўлиб, ранги очиқ-яшил. Гуллари кўринимсиз, айрим жинсли, мевалари кўш қанотли, қанотларини бўйи 2-3см эгилган бўлади. Уруғи ёрдамида осон кўпаяди. У турли хил экологик тупроқ шароитида ўсаверади, тупроққа талабчан эмас. Ўсиши тез боради. У иссиққа ҳам совуққа ҳам бардошли. Ватани Шимолий Америка. Зарангинг бу тури манзарали ўсимлик сифатида кўп жойларда экилади.

27. *Aesculus* L – Сохта каштан туркуми, сохтакаштандошлар оиласига мансуб бўлиб, 25 турга эга. Улар Шимолий ярим шарда тарқалган. булар дарахт ёки бута, барглари узун бандли панжасимон мураккаб барг. Гуллари йирик, қийшиқ пуфаксимон тўпгул ҳосил қилади. Косача барги 5та тожбарги, 4-5та чангчиси, 5-8та меваси уч палла бўлиб очилади.

*Aesculus hippocastanum* L – Сохта каштан. Бўйи 25-30м га етадаган дарахт. Баргчалари 5-9та, ўтроқ, тескари узун наштарсимон, четлари тукли. Тўпгул 20-30см га етадиган ўсимлик. Тожбарги оқ, кўсак меваси дағал тиканли 1-2-3 уруғли. Апрель-май ойларида гуллаб, меваси

август-сентябр ойларида етилади. Ватани Болқон ярим ороли. У шифобахш, чиройли гулли манзарага эга ўсимлик. Сохта каштандан касалликларга бардошли, тез ўсади ва чиройли ўох-шаббалар ҳосил қилади. Шунинг учун ҳозирги пайтда сохта каштан манзарали ўсимлик сифатида кўплаб экилмоқда.



*Aesculus hippocastanum* L – Сохта каштан

28. *Zuzyrphus* Mill – Чилонжийда туркуми, чилонжийдадошлар оиласига мансуб бўлиб, 50га яқин турни ўз ичига олади. Улар Шимолий ва Жанубий ярим шарнинг тропик ва суютропик қисмида тарқалган. Булар дарахт ёки бута, айримлари доимий яшил қалин баргли бўлади. Гули кўринимсиз, меваси данакли, ялтироқ бўлади.

*Zizyphus jujiba* Mill. Улоби-жилонжийда. Бўйи 4-6(9)м га етадиган дарахт ёки бута, тиконли, қалин баргли новдалари мураккаб барг

кўринишида бўлади . Барги оддий, ялтироқ, гуллари сарғиш, меваси тўқ қизил (истемол қилинади) 1-2 (3)см катталиқда , маданийларида меваси 5см гача бўлади. Май ойида гуллаб, октябрь ойида меваси етилади. Мевали, доривор ҳамда манзарали ўсимлик сифатида боғларда экилади. Ватани Ўрта Осиё Кафказ.

29. *Tilia L* – Жука (пипа) туркуми, жукадошлар оиласига мансуб бўлиб, 45 турга эга. Унинг турлари Шимолий ярим шарнинг ўрта минтақали ва субтропик районларида тарқалган. Булар буни то 40м гача етадиган дарах. Барги оддий, кўпроқ тишли, гули майда, ҳушбўй ҳидли, меваси ёнғоқсимон.

*Tiliapltyphyllos Scop* – Йирик баргли жука. Бўйи 30м гача етадиган пўстлоғи кулранг, ёш новдалари эса қизғиш-жигарранг бўлиб, ясмиқчалари майда, барги йирик 7-12см узунлиқда, меваси 1,1см узунлиқда қалин тукли. У Европада табиий ҳолда тарқалган. Жука энг узок умр кўрадиган, тез ўсиб чиройли шох-шабба ҳосил қиладиган яхши асал берувчи манзарали ўсимлик. Манзарали ўсимлик сифатида боғ ва кўчаларга экилади.

30. *Hibiscus L* – Бўритароқ туркуми, гулҳайридошлар оиласига мансуб бўлиб, 250дан ортиқ турни ўз ичига олади, уларнинг кўпчилиги тропик ўлкаларда тарқалган. Унинг дарахтсимон 3 тури манзарали ўсимлик сифатида кенг кўламда экилиб келинмоқда. Улар оддий баргли, гуллари йирик, ҳар-хил рангли ўсимликлардир.

*Hibiscus syriacus L* – Сурия бўритароғи, бўйи то 5-6м га етадиган, бута ўсимлик бўлиб, баргини узунлиги 5-10см, гулкўрғони кўп, қат-қат бўлиб жойлашган ёки тожбарг 5та йирик, оқ, пушти, сариқ, бинафша рангли, косачабарглардан 2-3 марта узун. Июнь-сентябр ойларида гуллаб мевалайди.

Табиий ҳолда у Хитой ва Ғарбий Осиёда тарқалган. унинг гуллари ранг-баранг чиройли бўлгани учун кўп жойларда манзарали ўсимлик сифатида экиб ўстирилади.

31. *Frax inus* Z – Шумтол туркуми, зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 60дан ортмқ турни ўз ичига олади, улар асосан ўрта минтақали зонада тарқалган. Барглари тоқ патсимон, мураккаб бўлиб, новдада қарама-қарши жойлашган, баъзан ҳалқасимон жойлашган бўлади. Гуллари кўпроқ кўримсиз, роваксимон тўпгулли, меваси бир қанотли ёнғоқча.

*Fraxinus excelsior* L – Оддий шумтол. Бўйи 30-40м гача етадиган дарахт. Баргчалари 7-13 (15)та. Мевалари тўғри, тепа қисми бироз ўйилган, бир қанотчали, узунлиги 3-4см, эни 0,5-1см. Март-апрель ойларида гуллаб, сентябр-октябр ойларида мевалари етилади. Табиий ҳолда Россиянинг Европа қисмида, Кавказда тарқалган.

*Fraxinus pensylvanica* L - Қора шумтол. Бўйи 15-25м гача етадиган дарахт, новдвлари сертук, барглари 5-9 та, деярли ўтирок, чўзик наштарсимон, тухумсимон-наштарсимон, четлари бутун ёки тўмтоқ тишли, мевасининг узунлиги 4-4,5см, қанотчали, юқори қисми ўткир тишли ёки учи ўйилган, уруғлари 2-2,5см. Гуллаш март-апрель, мевалаш сентябр-октябр ойларига тўғри келади. Ватани Шимолий Америка. Чиройли манзарали ўсимлик.

32. *Ligustrum* L – Лигуструм туркуми, зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 50га яқин турни ўз ичига олади. Табиий ҳолда асосан Шарқий Осиё ва Австралияда тарқалган. Булар доимийяшил ёки баргини мавсумий тўқувчи бута ёки кичик дарахт. Барглари оддий, қарама-қарши жойлашган, гуллари майда, рўваксимок тўпгулли, меваси резавор, яшил асал берувчи ўсимлик.

*Ligustrum vulgare* L – Оддий лигиструм. Бўйи 2-3(5)см га етадиган бута бўлиб, барглари наштарсимон, текис қирғоқли, ялтирок, бўйи 3-6см. Гуллари қўшжинсли, рўваксимон тўпгулли, узунлиги 4-8см, ок ҳушбўй хидли, косача ва тожбарги 4 тадан, чангчиси 2та, меваси шарсимон қора, резавор. Май-июн ойларида гуллаб, август-сентябрда мевалари етилади. Ватани Кафказ, яхши асал берувчи, манзарали ўсимлик. Кўпроқ жонли деворлар ва турли шакллар ҳосил қилишда ундан фойдаланилади.

*Catalpa skor* - Каталпа туркуми, бигнониядошлар оиласига мансуб бўлиб, 10га яқин турни ўз ичига олади. Улар Шимолий Америка ва Шарқий Осиёда табиий ҳолда учрайди. Каталпа-дарахт, баъзан бута бўлиб, барглари оддий йирик, яхлит ёки бўлинган бўлади. Гуллари йирик, шингилсимон ёки рўваксимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси узун ингичка цилиндрсимон кўсакча.

*Catalpa speciosa* Word – Гўзал каталпа. Бўйи 30м гага етадаган дарахт. Тана пўстлоғи қизғиш-кўнғир. Барги 20-30см узун, кенг. Гули оқ, меваси (50) 45-30см узунликда, эни 1,5см. Уруғи узун, тукли. Май-июн ойида гуллаб, меваси август-сентябр ойида етилади. Ватани Шимолий Америка. Йирик ва чиройли, гули ажойиб манзарали ўсимлик, боғ ва кўчаларга экилади.

*Catalpa bignonioides* Word – Бигнониясимон каталпа. Бўйи 6-8м гача етадиган дарахт барглари 10-30см, кенг тухумсимон. Барг бандлари 16 см гача. Гуллари оқ, қайтақиси 4см гача. Меваси кўсакча 20-35(40)см. Май-июн ойида гуллаб, август-сентябр ойларида меваси етилади. Ватани Шимолий Америка. Бу тури ҳам чиройли гулли ажойиб манзарали ўсимлик. Лекин барги ёқимсиз ҳидли бўлади.

33. *Forsythia Vahl* – Фарзитсия туркуми зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 6 турни ўз ичига олади. Унинг 5 тури Шарқий Осиёда, 1 тури Европада тарқалган. Барглари қарама-қарши жойлашган бута ўсимлик бўлиб, баҳорда мўл гуллар ҳосил қилади. Кўпчилигини гули барг ҳосил бўлганга қадар ҳосил бўлади. Гуллари сарғиш-олтин рангли. Қаламчалари ёрдамида осон кўпаяди.

*Forsythia suspensa* Vahl – Осилган форзиция. Бўйи 2-3м гача етадиган, шоҳ-шаббалари эгилиб ўсувчи ёки ер бағирлаб ўсувчи бута. Барглари уч баргчани ёки уч бўлакли, баъзан яхлит бўлади. Унинг тур ҳиллари, гибридлари кўп, уларни бир-биридан ажратиш ҳам анча қийин. У бир мунча совуқ иқлимга бардошли. Шунинг учун ҳам манзарали ўсимлик сифатида кенг кўламда экилмоқда. Унинг сарғиш-олтин ранги тўпгули сўзсиз барчани мафтун этади.



*Forsythia Vahl* – Форзиция

34. *Syringa L* – Сирен туркуми, зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 30га яқин турни ўз ичига олади. унинг турлари асосан осиёнинг Шарқий ва Марказий қисмида тарқалган. Улар бута ёки кичикроқ дарахт. Барглари оддий, пояда қарма-қарши жойлашган, деярли яхлит, кўп сонли ҳушбўй ҳидли гулли. Гуллари кўпчилик ҳолларда қат-қат бўлиб жойлашган. Меваси кўсак. Улар қаламча ёрдамида, турларини ажратиш. Унинг кўплаб сўртлари яратилган ва кенг кўламда экиб ўстирилади.

*Syringa vulgaris L* – Оддий сирен. Бўйи 5-7(9)м гача етадиган дарахт ёки йирик бута. Барги тухумсимон оддий барг. Гуллари жуда ҳушбўй

ҳидли. Ёғочлик қисми қизғиш кўнғир, жуда қаттиқ ва оғир бўлади. Ўта ёруғлик севувчи, қумли тупроққа кўшимча ўғит талаб қилувчи ўсимлик.



*Syringa vulgaris* L – Оддий сирен

*Syringa indica* – Хинд сирени. Бўйи 2-3 м гача етадиган, барглари оддий, пояда кетма-кет жойлашган, яхлит баргли бута. Кўп белгилари билан оддий сиренга ўхшаш, лекин гуллаш даври билан фарқланади. Гуллаш июль ойида, мевалаш август ойида кузатилади. Гуллари жуда мўл, пушти рангли бўлиб, узоқ вақт гуллаб туради. Ажойиб манзарали ўсимлик. Лекин унинг туплари жуда кам сақланиб қолган. Университет ҳовлисида бир тўплигина бор ҳолос. Муҳофазага мухтож.

35. *Jasminium* L - Ясмин туркуми, зайтундошлар оиласига мансуб бўлиб, 200 га яқин турни ўз ичига олади, шундан 8 тури имтродуция қилинган. Улр тик ўсувчи ёки илашиб ўсувчи бута бўлиб, барглари ток

патсимон ёки оддий бўлади. Ясмин туккумини асосий қисми тропик иқлимга яқин бўлган ўлкаларда-Қрим Кавказ орти ва Туркменистонда тарқалган. Гуллари кўнғироқсимон ёки найчали, ранги эса хилма-хил кўринишда бўлади. Ҳушбўй хидли бўлгани учун эфир олиш мақсадида фойдаланилади.

*Jasminium fruticans* L – Шохланган ясмин. Бўйи 1-1.5 мгача етадиган шох – шаббалри тик яшил, барглари майда, косабарги 8 тишли, тожбарглари 5-6 бўлакли, сариқ, чангчиси 2 та, устунчаси битта. Меваси кўсакча. Шохланган ясмин Қирм ва Кавказда тарқалган. У эфир мойи, шох – шаббалари кўркам манзарали. Шунинг учун кўпроқ манзарали ўсимлик сифатида экилади.

36. *Sambucus* L – Самбукус туркуми. Шилвидошлар оиласига мансуб бўлиб, 40 яқин турини ўз ичига олади, улар Жанубий ва Шимолий ярим шарнинг ўрта минтақали иқлимига эга бўлган қисмида тарқалган. Туркумга мансуб турлар бута ёки дарахт бўлиб, барглари тоқ патсимон мураккаб, пояда қарама – қарши жойлашган. Гуллари майда, соябонсимон тўпгули, меваси резаворсимон, 3-5 уруғли.

*Sambucus nigra* L - Маржон дарахти. Бўйи 6-8 мгача етадиган бута ёки дарахт. Барглари 25-30 см, баргчалари (3) – 5- 7 (9) та, узунлиги 12 см, эни 6 см. Тожбарги оқ- сариқ, меваси резавор, ялтироқ, қорамтир, шарсимон.

Май ойида гуллайди, меваси сентябрь ойида етилади. Ватани Ғарбий Европа, Кавказ. Яхши манзарали ўсимлик. Уни фақат бир тупи Университет ҳовлисида сақланиб қолган ҳолос. Муҳофазага ўта муҳтож. Қаламчаси билан кўпаяди ва тез ўсади.

37. *Janicera* L – Шилви туркуми, шилвидошлар оиласига мансуб бўлиб, 200 дан ортиқтурга эга. Улар асосан Шимолий ярим шарда тарқалган. Барча турларининг барглари оддий, яхлит, қарама- қарши жойлашган яшил ўсимлик. Гуллари найсимон , варанкасимон тожбарги, барг қўлтиқларида жуфт – жуфт бўлиб жойлашган, илашувчи турларининг тўпгуллари рўваксимон ёки бошоқсимон, меваси этли резавор.



*Janicera tatarica* L – Татар шилвиси. Бўйи 2-3 мга етадиган, барги юраксимон ўймали, бўйи 3-6 см, ости кулранг – яшил, гули пушти. Хушбўй хидли. Меваси қизил сариқ, аччиқ истеъмолга яроқсиз. Май – июнь ойида гуллайди, июль- сентябрь ойларида меваси етилади. Ватани Россия, Европанинг Жануби ва ўрта Осиё. Манзарали ўсимлик . Лекин уни бир тупи сақланиб қолган эди. Афсуски, ҳозир Университет ҳудудида йўқ.

39. *Diospyros Z* – Сафсон – хурмо туркуми , хурмодошлар оиласига мансуб бўлиб, 200 яқин турни ўз ичига олади. Унинг турлари асосан Осиёнинг Шарқий Жанубидаги тропик ва субтропик қисмида тарқалган. Улар дарахт ёки бута ўсимликлар. Айримлари доимий яшил. Бир уйли ёки икки уйли, тожбарглари кўнғироқсимон ёки найсимон. Меваси етли, 2-10 уруғли резавор. Барги 8-16 см, ялтироқ, ости тукли, гули оқиш, хидсиз, мевасини эни 8 см, сариқ, ширин. Май – июнь ойларида гуллайди, октябрь- ноябрь ойларида меваси етилади. Ватани Япония- Хитой. Мевали ва манзарали ўсимлик.

*Diospyros Virginiana Z* - Виргин хурмоси. Бўйи 20-30 мга етадиган дарахт, баргини чекаси. Гули майда сарғиш – яшил, мевасининг эни 2-3см сариқ, пишганда қорамтир кўк. Истеъмолга яроқли. Май-июнда гуллайди, октябр-ноябрда меваси етилади. Ватани Шимолий Америка. Хашоратларга чидамли мевали ва яхши манзарали ўсимлик. Университет ҳудудида бир тури сақланган, муҳофазага мухтож.

*Diospyros kaki L* - Шарқ хурмоси. Бўйи 15 мга етадиган дарахт. Барги 8-16 см узунликда, этли, ялтироқ, ости сарғиш тукли. Гули оқиш крем рангли, хидсиз, меваси 8 см, сарғиш рангли. Ватани Хитой- Япония. У мазали мева берувчи ва манзарали ўсимлик сифатида аҳамиятлидир.

39. *Vitex L*- Марям дарахти туркуми, тизимгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, 60 яқин турини ўз ичига олади. Булар кичик дарахт ёки бута. Барча қарама- қарши жойлашган, ўткир хидли. Гуллари чаласоябон ёки рўваксимон тўпгуллар ҳосил қилади.

*Vitex agnus Castus* L – Марям дарахти. Бўйи 4-6 (10) мгача етадиган бута ёки дарахт. Шохлари 4 қиррали. Барглари панжасимон, мураккаб, 5-7 баргчали. Гуллари доира ёки ҳалқа ҳосил қилувчи чаласоябонларда жойлашган. Тожбарги воронкасимон най ҳосил қилади, бинафша, кўк ёки оқиш. Июнь – октябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Чиройли гулли манзарали ўсимлик. Унинг меваси мурч тайёрлашда ишлатилади. Университет ҳудудида бир тупи ўсмоқда. Мухофазага мухтож.



*Diospyros Virginiana* Z - Виргин хурмоси

*Diospyros kaki* L - Шарқ хурмоси. Бўйи 15 мгача етадиган дарахт. Барги 8-16 см узунликда, этли, ялтироқ, ости сарғиш тукли. Гули оқиш крем рангли, хидсиз, меваси 8 см, сарғиш рангли. Ватани Хитой-Япония. У мазали мева берувчи ва манзарали ўсимлик сифатида аҳамиятлидир.

39. *Vitex* L- Марям дарахти туркуми, тизимгулдошлар оиласига мансуб бўлиб, 60 яқин турини ўз ичига олади. Булар кичик дарахт ёки бута. Барча қарама- қарши жойлашган, ўткир хидли. Гуллари чаласоябон ёки рўваксимон тўпгуллар ҳосил қилади.

*Vitex agnus Castus* L – Марям дарахти. Бўйи 4-6 (10) мгача етадиган бута ёки дарахт. Шохлари 4 қиррали. Барглари панжасимон, мураккаб, 5-7 баргчали. Гуллари доира ёки ҳалқа ҳосил қилувчи чаласоябонларда жойлашган. Тожбарги воронкасимон най ҳосил қилади, бинафша, кўк ёки оқиш. Июнь – октябрь ойларида гуллаб уруғлайди. Чиройли гулли манзарали ўсимлик. Унинг меваси мурч тайёрлашда ишлатилади. Университет ҳудудида бир тупи ўсмоқда. Мухофазага мухтож.

40. Магнолиятоифа (Ёпиқ уруғлилар) бўлими ер юзида табиий ва маданий ҳолда кенг тарқалган 2 синф, 533 оила, 13 000 туркумга мансуб 250 000 га яқин турни ўз ичига олади (77). Бу ўсимликлар ер юзининг турли минтақаларидаги, ҳар хил иқлимли ҳудудларда ва турли экологик шароитларда ўсишга мослашган.

*Magnolia* L – Магнолия туркуми, магнолиядошлар оиласига мансуб бўлиб, 70 яқин турини ўз ичига олади. Улар Шимолий Америка ва Шарқий Осиёда тарқалган. Магнолия турлари дарахт ёки бута бўлиб, барглари йирик, яхлит ҳолда бўлади. Гуллари ҳам йирик, хушбўй хидли, меваси баргчалар йиғиндисидан иборат куббасимон бўлади. Кўпайиши уруғ, қаламча ва пайванд ёрдамида боради. Баргларининг чиройлилиги, гули ва мевасининг ўзига ҳослиги билан манзарали даражаси энг юқори ҳисобланади.

*Magnolia grandiflora*. L – Йирик гулли манголия, доимий яшил, бўйи 30 мга етадиган дарахт. Барги 12-25 см узунликда, қалин, ости занг

сомон рангли, гули оқ сутсимон, жуда йирик 1-25 см, хушбўй хидли. Ўта манзарали, қишга бардошли. Шимолий Америкада тарқалган. Боғларда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Барги, гули ва ёш новдаларидан эфир мойи олиш мақсадида фойдаланиш мумкин.

*Ziriodendron* L. – Лола дарахти туркуми. Магнолиядошлар оиласига мансуб бўлиб, икки тури Хитойда ва Шимолий Америкада тарқалган. Улар дарахт, пўстлоғи чуқур тишлили пушти, барги 4-6 бўлаккли, учки қисми ўйикли, ости юраксимон, гули оқ – яшилсимон. Меваси қанотчалар йиғиндисидан иборат куббасимон.



(кишки холати)



(бахорги холати)

*Ziriodendron tulipifera* L. – Лола дарахти

*Ziriodendron tulipifera* L. – Лола дарахти. – Бўйи 50-60 мга етадиган, тухумсимон шох – шаббали, танасининг диаметри 3-3.5 м, пўстлоғи кулранг ёки кўнғир – қизил. Барги очик яшил, ялтироқ, 15-12 см узунликда. Гули косакчасимон, диаметри 6 смга яқин. Уруғи ёрдамида кўпаяди, тез

ўсади. Чиройли манзарали ўсимлик. Кўпроқ боғларда, хиёбонларда экиб ўстирилади.

*Buddleia L* – Буддлей туркуми логаниядошлар оиласига мансуб бўлиб, 100 га яқин турини ўз ичига олади. Унинг турлари тропик, субтропик қисман ўрта минтақанинг Ўсиё, Америка, Жанубий Африка қисмларида тарқалган. Барглари қарама- қарши жойлашган, оқиш қалин тукли, гуллари кўп, бошоқсимон шингил тўпгулли, меваси кўсакча. У – 20 °С совуққа бардош бера олади. Чиройли гулли, ёқимли манзарали ўсимлик. Университет ҳовлисида 4 тупи ўстирилмоқда. У уруғи ва қаламчаси билан кўпаяди. Тез ўсади, 2-3 ёшдан бошлаб гуллайди ва мева беради. Яхши асал берувчи ўсимлик.

*Buddleia Davidii Franch.* – Давидий буддлайи. Бўйи 5 мгача етадиган бута, гуллари яхши асал берувчи, бинафша рангли. Яхши манзарали ўсимлик.

Университет ҳудудида рўйхатга олинган манзарали ўсимликларнинг гулларини катта – кичиклиги, ранги тахлил қилинганда улар қуйидагича эканлиги маълум бўлади.

Жадвал – 2

Оқ гуллар	Пушти гуллар	Сарғиш гуллар	Бинафша гуллар	Қизил гуллар	Кўринимсиз гуллар	Гулсизлар	Майда гуллар	Йирик гуллар	Доимий яшил гуллар
7	4	6	3	4	26	5	24	9	6

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики 62 турдан 26 тур кўринимсиз гулли, 32 тур эса майда ва йирик гулли ўсимликлар экан. Лекин уларни майда бўлсада, тўпгул ҳосил қилганда улар

манзарали кўриниш ҳосил қилади. Кўринимсиз гулли ўсимликларни эса шох – шаббалари, барглари ва умуман ташқи қиёфаси манзарали бўлгани учун экиб ўстирилмоқда.

Ҳаёт шакллари ва фойдали хусусиятларига кўра турлар сони таҳлил қилинганда, улар қуйидагича эканлиги аниқланди.

Жадвал – 3

Бўёқбоп ўсимликлар	Шифобахш	Олиловчи моддали	Толали	Эфир мойли	Алколоидли	Ҳаёт шаклларига кўра тур ва туркум сони			
						Дарахтлар		Буталар	
						Тур сони	Туркум сони	Тур сони	Туркум сони
8	22	9	10	11	7	46	39	18	9

Жадвалда берилган маълумотларга кўра, 62 турдан 22 таси шифобахш, 13 таси эфир мойли, 10 таси толали, 9 таси олиловчи модда тутувчи ўсимликлар эканлиги маълум бўлди.

Худуддаги манзарали дарахт ва буталар сони ҳисоб- китоб қилинганда уларни тақсимланиши қуйидагича жамлиги аниқ бўлади.

Жадвал – 4

Дарахтлар сони			Буталар сони								
Дарахт ва буталарни умумий сони	Дарахтлар сони	Буталар	Чинор	Терак	Очик уруғлилар	Бошоқлар	Нормушк	Атиргул	Бўригароқ	Лигиструм	Бошқалар
3316	1095	2221	721	112	282	70	510	1426	46	110	34

Жадвалда берилган маълумотларга кўра, 3096 туп дарахт ва буталардан 2111 тупи буталар эканлиги, яни икки баравардан ҳам ортиқ. Турлар бўйича сони ҳисобланганда энг кўпи дарахтлардан чинор 7-21 туп, будалардан атиргул 1426 туп, нармушк 510 туп эканлиги аниқланди.

Университет ҳудудида экиб ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарнинг Фарғонага олиб келинган региони, Ўзбекистон флорасига қабул қилинган регионлар бўйича ватани таҳлил қилинганда улар қуйидагича эканлиги маълум бўлди

Жадвал– 5.

Шимолий Америка	Хитой - Япония	Кавказ, Крим	Ўрта ер денгизи	Марказий Осиё	Кичик Осиё	Европа	Эрон	Африка	Болқон ярим ороли	Афғанистон	Ҳиндистон	Австралия
12	15	8	6	4	2	6	2	2	2	1	1	1

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, университет ҳудудида экиб ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарнинг кўпчилиги, яъни 15 тури Хитой – Япониядан, 12 тури Америкадан. Ўрта ер денгиз атрофидан келтирилган ўсимликлар эканлиги аниқ бўлди. Уларни табиий ҳолда тарқалган региони ватани шу ўлкалар билан боғлангандир.

Шаҳар ва кўчаларимизнинг гўзал, хушманзара ва мафтункор бўлиши кўп жиҳатдан бу ерларда экилиб, парваришланаётган яшил ўсимликларнинг қай даражада дид билан ўтқазилганига боғлиқдир. Ота-боболаримиз ҳам бежизга қадимдан боғлар ва гулзорлар барпо қилишга алоҳида эътибор қаратишмаган.

Ҳозир ҳам бу савобли ишни ўз касбига айлантирган боғбон ва гулчиларимиз кўп. Кўчатнинг тупроққа, сувга, ҳароратга, ёруғликка бўлган

талабини ҳисобга олиб, экиладиган жойини тўғри танлаб, дарахт етиштирган боғбонлар шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк кўшмоқдалар.(<http://eco.uz>)

Олиб борилган кузатишлар асосида юқорида баён қилинган маълумотларга кўра, университет худудида экиб ўстирилган манзарали дарахт ва буталарнинг бир қисми, кейинги 30 - 40 йил давомида турли сабабларга кўра йўқ бўлиб кетди. Булар қаторига бундик, тукли акация, дўлана, совун дарахти, Канада тераги, қизил, қатронғи, маклюра, каталпа, тикома, четанча, пирамидасимон кипарис ва бошқаларни киритиш мумкин. Лекин кейинги 15-20 йил давомида йўқолган манзарали дарахт ва буталарни ўрнини босадиган ўсимликлар билан тўлдирилди. Булар қаторига- Лола дарахти, гингко билоба, виргин арчаси, Қрим қарағайи, қора қарағай, магнолия, маржон дарахти, марям дарахти, жука, эман, ғайрикаштан, фарзиция, балзам тераги, верба толи, Америка тераги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Университет худудини ранг – баранг манзарали ўсимликлар билан бойитиш жараёни давом этмоқда. Университет худуди кейинги 5 йил давомида экилган манзарали ўсимликлар ҳисобига анча бойиди ва кўркига кўрк кўшилди. Айниқса, минглаб туп экилган атиргуллар худуд манзарасини янада гўзаллаштиради. Ҳар бир инсон чарчаганда сайр этиб ҳордиқ чиқарадиган даражада гулзорлар барпо қилишди. Албатта бу ижобий ишларнинг ҳаммаси университет раҳбариятини худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибори натижаси дейиш мумкин.

Университет худудида камёб, вилоятимизни бошқа шаҳарларидаги боғ ва хиёбонларда учрамайдиган ажойиб манзарали ўсимликлари ҳам мавжуд. Улар албатта муҳофазага мухтож. Шундай ажойиб манзарали ўсимликлар жумласига – Гингко билоба ( унинг фақат 1 тупи мавжуд), Магнолия ( бу ҳам 1туп ниҳол ҳолида), Лола дарахти (икки тупи мавжуд), Марям дарахти ( икки туп ниҳол кўринишида), жука (липа 2 тури), Граб (уни фақат 1 тупи ниҳол ҳолда), Форзиция (икки тупи бор),



Буддлейн давидо (икки тупи), Виргин хурмоси (фақат 1 тупи сақланган, анча кекса ўсимлик), Маржон дарахти (бир тупи сақланган), Хинд сирени (бир тупи бор), Четанча (бир тупи қолган), Верба толи (уч тупи қолган). Шу ҳилдага кам сақланган кекса ёки янги ўтказилган ноёб манзарали дарахт ва буталар сони анчагина бор. Бу ноёб чиройли кўркам ўсимликларни сақлаш, уларни кўпайтириш ва муҳофаза қилиш шу куннинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим. Агар уларга эътибор берилмаса, юқорида номлари келтирилган ва йўқ бўлиб кетган ўсимликлар сингари булар ҳам йўқ бўлиб кетиши турган гап. Университет ҳудудидаги манзарали ўсимликларни турли бахоналар билан кесишга қатъий чек қўймоқ лозим. Уларни кесиш фақат ректорни кўгазмали ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг мутахасислари руҳсати ҳамда шаҳар хокимининг қарор асосида амалга оширилишига риоя қилиниши лозим. Шундагина университет ҳудудидаги ноёб манзарали дарахт ва буталар сақланиб қолади, асрлар оша яшаб келаётган университет ҳудудидаги чинорлар сингари улар ҳам ҳозир қандай бўлса, шу хилдаги яшнаган кўринишда келгуси авлодга сақланади. Буларни сақлаш ва муҳофаза қилишда нафақат боғбонлар, балки тўлиқ университет аҳли бир жон бир тан бўлиб фаолият кўрсатмоғи лозим. Шундагина университет ҳудуди кейинги йиллар давомида йил сайин гўзаллашиб боради ва боғу бўстонларга айланади.

Бу вазифаларни амалга оширишда истиқболли манзарали ўсимликларни (Лола дарахти, Магнолия, Жука, Граб, Ғайри Каштан, Эман, Бук, Оқ қайин, Виргин хурмоси, Маржон дарахти, Қора қарағай, Қрим қарағайи, Виргин арчаси, Оқ қарағай, Гингко билоба, Форзиция, Жасмин, Атиргул тур ва навлари, Хинд сирени, Четанча ва бошқалар) гули, шох-шаббалари, доимий яшиллиги, умумий қиёфаси, турли касалликларга бардошлилиги билан ажралиб туради. Булар манзарали ўсимликларга орасида энг ёқимли хуш манзаралиги билан одамларни ўзига мафтун этади. Шунингдек, манзарали ўсимликларни танлай билиши, уларни кўпайтириш ва парвариш қилиш услубларини ўрганган ҳолда иш юритиш талаб этилади. Шундагина университет ҳудуди йил сари яшнаб гўзаллашиб бораверади.

Ўйлаймизки. бу мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун ҳамма имкониятлар мавжуд, фақат ундан унумли фойдаланиш талаб этилади холос.

## 2.2 Университет худудида ўстирилаётган манзарали ўсимликлар рўйхати

I		Гинкгодошлар оиласи - Ginkgoaceal
	1	Гинкго билоба – Ginkgo biloba
II		Қорағайдошлар оиласи - Pinaceal
	2	Қрим қарағайи – Pinus pallasiana Lamb
	3	Оддий қора қарағай – Piceae excelsa Zink
III		Арчадошлар оиласи – Cupressaceal
	4	Шарқ сарви - Biota orientalis End l.
	5	Виргин арчаси –Juniperis virginiana L
IV		Толдошлар оиласи – Salicaceae
	6	Оқ тол –Salix alba L
		Мажнунтол –S. Babylonica L
	7	Оқ терак – Populus alba L
		Мирзатерак –P. nigra L
		Кўк терак – P. Bachofeni Wirzb.
		Балзам терак –P. balsamifera L
V		Ёнғоқдошлар оиласи - – Juglandaceal
	8	Грек ёнғоқчаси - Juglans regia L
		Қора ёнғоқ –J. nigra L
VI		Қайиндошлар оиласи - Betulaceae
	9	Оқ қайин –Betula pendula Runh.
	10	Оддий граб –Corypinus betulus L
VII		Қорақайиндошлар – Fagaceae
	11	Қизил эман- Quarcus robur L
VIII		Қайроғочдошлар – Ulmaceae
	12	Пўкак қайроғоч – Ulmus pumila Z

		Сада қайрағоч – <i>U. Densa</i> Zintw.
XI		Тутдошлар оиласи - <i>Moraceae</i>
	13	Сариқ маклюра – <i>Maclira aurantica</i> Nitt
	14	Оқ тут – <i>Morus alba</i> Z
		Шох тут – <i>M. nigra</i> Z
		Япон тути – <i>M. multicaulis</i> Perr
	15	Қоғоз дарахти – <i>Braussonetia Parpyrifera</i> (Z) Vent
		Чинордошлар оиласи – <i>Platanaceae</i>
	16	Шарқ чинори – <i>Platanus orienthalis</i> Z.
XI		Раъногулдошлар оиласи – <i>Rasaceae</i>
	17	Хитой атиргули – <i>Rosa chinensis</i> Jaca
XII	17 а	Лавровишия – <i>Zaurcrosus officinafis</i> Дуккакдошлар оиласи – <i>Fabaceae</i>
	18	Ипак акация – <i>Albizia julibrissin</i> Durruzz
	19	Оддий кўзоқ мевали арғувон – <i>Cercis siliquastrum</i> Z
	20	Япон тухмаги – <i>Styphinolobium (sophora) japonika</i> Z
	21	Сохта акация – <i>Robinia pseudoacacia</i> Z
	22	Тикон дарахти – <i>Gleditschia triancanthus</i> Z
XIII		Симорубдошлар – <i>Simurubiaceae</i>
	23	Бойган айлант – <i>Ailanthus altissima</i> Swingle.
XIV		Нормушкдошлар – Бересклетдошлар- <i>Celastraceae</i>
	24	Япон нормушки – <i>Evonimus japonica</i> Z
XV		Шамшоддошлар оиласи – <i>Buxaceae</i>
	25	Доимий яшил шамшод – <i>Buxus sempervirens</i> Z
XVI		Зарангдошлар оиласи - – <i>Aceraceae</i>
	26	Чинорбарг заранг – <i>Acer platanoides</i> Z
		Дала заранги – <i>A. Csmpestre</i> Z
		Татар заранги – <i>a. tataricim</i> Z.
		Америка заранги – <i>A. negundo</i> Z
XVII		Сохта каштандошлар оиласи - <i>Hippocastonaceae</i>

	27	Соҳта каштан – Hippocastoniaceae
XVIII		Чилонжийдадошлар оиласи - Rhamnaceae
	28	Уноби - жилонжийда – ziziphus juji bo Mill.
XIX		Жукадошлар – Tiliaceae
	29	Йирик баргли жука – Tilia platuphyllus scop
XX		Гулхайридошлар оиласи – Malvaceae
	30	Сурия бўритароғи – Hibiscus syriacus Z
XXI		Зайтундошлар оиласи – Oleaceae
	31	Оддий шумтол – Fraxinus excelsior Z
		Қора шумтол – F. Pensybvaniка M
	32	Оддий лигиструм – Ligustrum vulgare Z
	33	Осилган форзиция – Forsythia suspensa (Thunb)Vahl.
	34	Оддий сирен – Syringa vulgaris Z
	35	Шохланган ямин – Jfsminium fruticans Z
XXII		Бигнониядошлар – Bignoniaceae
	36	Гўзал каталпа – Catalpa specioso Ward
		Бигнаниясимон каталпа –C. Bignonioides Word
XXIII		Шилвишдошлар оиласи – Capifoliaceae
	37	Маржон дарахти – Sambucus nigra Z
	38	Татар шилвиси –Zanicera tatarica Z
XXIV		Хурмодошлар оиласи – Ebenaaceae
	39	Виргин хурмоси – Diospyros virgiana Z.
		Шарқ хурмоси –D. Kaki Z
XXV		Тизимгулдошлар оиласи - Verbenaceae
	40	Марям дарахти – Vitex agnus castus Z
XXVI		Магнолиядошлар оиласи - Magnoliaceal
	41	Йирик гулли магнолия – Magnolia grandiflora Z
	42	Лола дарахти – Ziriодendron tulipifera Z
XXVII		Лочаниядошлар – Joganiaceae
	43	Давидибудлейин – Buddleia Davidii

XXVIII	44	Сапиндадошлар – Sapindaceae
XXIX	45,46	Зиркдошлар – Berberidaceae
XXX	47,48	Пистадошлар – Anscardiaceae

## **Хулоса.**

Университет худудидаги манзарали дарахтлар ва буталарни кузатиш, текширишлари олиб бориш ва тўпланган материалларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келинди.

1. Университет худудида ўстирилаётган манзарали дарахт ва буталарни флористик таркибини ўрганиш натижасида бу худудда 30 оилага мансуб, 48 туркум, 62 тур ўсаётганлиги маълум бўлди.

2. Уларнинг гулларини катта – кичиклиги, ранги таҳлил қилинганда 28 тур кўринимсиз гулли, 24 тури майда гулли, 6 тури доимий яшил, 7 тури оқ гулли, 6 тури сарғиш, 5 тури гулсиз, 4 тури пушти гулли эканлиги аниқ бўлди.

3. Ҳаёт шакллари ва фойдали хусусиятларини ўрганиш асосида 62 турдан 49 тури дарахт, 23 тури бута ўсимликдир, 18 тури шифобахш, 11 тури эфир мойли, 10 тури толали, 9 тури ошловчи моддали, 8 тури бўёқбоп ўсимликлар эканлиги маълум бўлди.

4. Университет худудидаги манзарали дарахт ва бута ўсимликларининг сони ва турлар бўйича тақсимланиши ҳисоб қилинганда манзарали дарахт ва буталарнинг сони 3316 туп эканлиги, шундан 1095 тупи дарахт, 2221 тупи буталар эканлиги аниқланди. Дарахтлардан чинор 721 туп, терак 112 туп, очиқ уруғлилар 282 тупи ташкил қилганлиги буталардан эса 1426 тупи атиргулга, 510 тупи берлсклетга, 110 тупи лигиструмга, 46 тупи бири тарахга мансублиги маълум бўлди.

5. Тарқалиш марказини таҳлил қилиш натижасида энг кўп тур Хитой – Япониядан (15 тур), Шимолий Америкадан (12 тур), Кавказ ва Қримдан (8), Европадан (6), Ўрта ер денгизи атрофидан (5) келтирилганлиги аниқ бўлди.

6. Университет худудида рўйхатга олинган манзарали дарахт ва буталарни биоэкологияси, фойдали хусусиятлари ва манзара ҳосил қилиш ойлари ўрганилди ва аниқлик киритилди.

7. Тўпланган материалларни қайта ишлаш асосида рўйхатга олинган турлар учун оила, туркум ва тур аниқлагичи тузилди.

8. Кузатишлар асосида университет худудига дастлаб экилган ноёб ўсимликлардан Кипарис, бундук, қизил, канада тераги, дўлана, совун дарахти, каталпа, қатронғи, тукли акция каби қатор ўсимликлар йўқолиб кетганлиги аниқланди. Шунингдек, улар ўрнини босадиган лола дарахти, гинкго билоба, қора қарағай, магнолия, марям дарахти, жука форзиция, верба толи каби манзарали ўсимликлар экиб ўстирилаётганлиги маълум бўлди.

9. Умуман вилоятимизда учрамайдиган гинкго билоба, магнолия, лола дарахти, жука, форзиция, виргин хурмоси, маржон дарахти, хинд сирени каби ноёб ўсимликларни мукофаза қилишга ва уларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

10. Йўқолган турларни қайта тиклаш ва янги манзарали ўсимликлар билан бойитиш шу куннинг талаби деб ҳисоблаймиз.

11. Манзарали ўсимликлар таркибини ноёб, истиқболли чиройли – гулли ёқимли шох – шаббали, ташқи қиёфаси бежирим, доимий яшил, касалликларга бардошли ўсимликлар ҳисобигагина бойитиш лозим деб ҳисоблаймиз.

## **Мавзуга оид интернет маълумотлари**

<http://eco.Uz>.

Шаҳар ва кўчаларимизнинг гўзал, хушманзара ва мафтункор бўлиши кўп жиҳатдан бу ерларда экилиб, парваришланаётган яшил ўсимликларнинг қай даражада дид билан ўтказилганига боғлиқдир. Ота-боболаримиз ҳам бежизга қадимдан боғлар ва гулзорлар барпо қилишга алоҳида эътибор қаратишмаган.

Ҳозир ҳам бу савобли ишни ўз касбига айлантирган боғбон ва гулчиларимиз кўп. Кўчатнинг тупроққа, сувга, ҳароратга, ёруғликка бўлган талабини ҳисобга олиб, экиладиган жойини тўғри танлаб, дарахт етиштирган боғбонлар шаҳару қишлоқларимиз кўркига кўрк кўшмоқдалар.

Ҳар томонлама фойдали, манзарали ўсимликлар кўп. Эман дарахти (дуб) шулардан биридир. Биласизки, эманлар 450 турдан таркиб топган улкан дарахт ва бута ўсимликларидан иборат. Булар қорақайиндошлар оиласига мансуб, бўйи 40-50 метргача етадиган ёки икки-уч метрли бута ўсимликлар бўлиб, шохлари бежирим, барглари чиройли кўринишга эга. Улар Шимолий ярим шарнинг мўътадил зонасида кенг тарқалган ўрмонлар ҳосил қилувчи ўсимликлар ҳисобланади.

Эманнинг бир тури (оддий эман) бизда қадимдан манзарали ўсимлик сифатида экилиб, ўстириб келинмоқда. У баланд бўйли, узунлиги 40-50 метр атрофида, диаметри 1,5 метр ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Шох-шаббалари чиройли кўринишга эга, барглари оддий, қисқа бандли, турли даражада бўлакларга бўлинган. Эман турлари ўзаро осон чатишади ва кўплаб хилма-хил шаклларни ҳосил қилади. Баргининг устки қисми ялтироқ, ости оч яшил рангда бўлади. Гуллаш ва барг ёзиш жараёни бир вақтга тўғри келади. Уруғидан ҳосил бўлган ниҳоллар нисбатан секин ўсади. Ёш ниҳол бир йилда 10-20 сантиметр атрофида кўкка бўй чўзади, холос. Лекин шу даврда илдизи бир метргача етиши кузатилган. Йиллик ўсиши 5-8 йил давомида секин кечади, ундан кейин ўсиш тезлашади ва бу



кўрсаткич бир йилда 50 сантиметргача етиши мумкин. Қулай табиий шароитда эса 1-1,5 метрни ташкил қилади.

Эманда ўсиш 150-200 йилгача давом этади, ёнига ўсиши эса ҳеч қачон тўхтамайди (500-1000-2000 йил). Эман тупроққа ва намга талабчан, лекин унумсиз тупроқларда (куруқ, тошли, шағалли, оҳакли, қум, бироз шўрлашган) ҳам ўсаверади. Аммо у ўта шўрланган шўрхок ва ўта сернам тупроқни ёқтирмайди. Қурғоқчиликка, юқори ва паст ҳароратга бардошли, 40-45 даража иссиқ, 20-25 даража совуқ ҳам унча таъсир этмайди. Эманнинг ўқ ва ёй илдизлари кучли ривожланган, ўзига керакли сув ва ундаги моддаларни тупроқнинг остки қатламларидан (10-20 метр) сўриб олиб, қуруқ ва нами кам тупроқларда ҳам меъёрида ўсиб ривожланаверади. Илдиз тизими кучли ривожлангани боис, ҳар қандай табиий офатга чидай олади. Турли касалликларга бардошлилиги билан ажралиб туради. Ёш танаси ва шохларининг пўстлоғи таркибида 12 фоиз ва ундан ортиқ ошловчи модда бўлади ва ундан тери ошлашда фойдаланилади. Шунингдек, баҳорда куртак ёзиш олдидан олинган пўстлоқ қайнатмаси оғиз бўшлиғи шамоллаганда чайқаш учун, куйган жойларни даволашда ҳам аҳамиятлидир.

Ёғочи қаттиқ, мустаҳкам, оғир, техник жиҳатдан юқори сифатли бўлгани учун ундан фонера, турли мебеллар, қурилиш материаллари ва ичимликлар сақланадиган идишлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, эман бизнинг шароитимизда ҳам яхши ўсиб ривожланади. Эманни транспорт ҳаракати юқори даражада бўлган, катта кўчаларнинг ва йўлларнинг икки томонига қатор қилиб экилса, ёз кунлари соя-салқинни таъминлашда жуда асқотади. Боғларда, корхона, ташкилот ва турли муассасалар ҳовлиларига экилса, ишчиларнинг соя-салқинда дам олиб, меҳнат қобилятини тиклашда, болаларнинг эса саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

## Shmain.ru

Амурская область (Амо) занимает площадь 363,7 тыс. кв. км, расположена на юго-западе Российского Дальнего Востока и находится в зоне действия дальневосточных муссонов. Основная часть территории Амо, лежащая в бассейне Амура, относится к Восточной Азии за исключением северо-запада области, лежащего в бассейне Лены. По устройству поверхности Амо – горно-равнинная страна, причем на долю тех и других участков приходится, примерно, по половине территории.

Амо в результате ее географического положения находится на стыке двух флористических областей (Бореальной и Восточноазиатской), поэтому флора и растительность области отличаются значительным разнообразием (Тахтаджян, 1978; Старченко, 2001).

Описание древесно-кустарниковой растительности, применяемой в озеленении городов области, проводилось по разработанным методикам, для урбанизированных территорий с точечным картированием. При инвентаризации учитывался возраст, определяемый с помощью возрастного бура, высота, диаметр, структура кроны, жизненное состояние, декоративные свойства вида, проективное покрытие, встречаемость в различных типах садово-парковых насаждений. Установлен видовой состав арборифлоры, виды сверены по справочнику С.К. Черепанова (1981) и по «Сосудистым растениям советского Дальнего Востока».

Проведенные инвентаризационные работы по учету зеленых насаждений свидетельствуют о том, что большая часть современных озелененных комплексов и объектов представляют парки и скверы ландшафтного стиля. Их состав представлен в таблице.

## Состав дендрофлоры объектов озеленения г. Благовещенска

Таксоны	Обследованные города				
	Благовещенск	Свободный	Зея	Тында	
Виды		102	137	56	49
Рода		62	74	46	37
Семейства		30	42	20	14
Порядки		27	33	17	13

Полученные данные показывают, что значительная часть видов в озеленении города являются представителями аборигенной дендрофлоры (Старченко, 2001): от 48 до 56 видов в зависимости от обследуемого района. Общее число видов дендрофлоры, используемых в озеленении, зависит от величины обследуемого участка, его окружения и степени нарушенности. В дендрофлоре города наиболее представлены восточноазиатские неморальные виды. Чаще всего в озеленении используются декоративные виды местной аборигенной флоры, которые до начала хозяйственного освоения рассматриваемой территории входили в состав неморальных лесов по берегам рек Зеи и Амура.

### **Biologtext.ru**

Дендрофлора пульских парков ранее и сегодня. Парки Пулы, как и остальные зеленые части города, богаты растительным миром, в них растут свыше ста видов растений и деревьев. Некоторые из них посажены еще в конце 19 начале 20 веков, во время правления Австро-Венгрии, а потом Италии. В это время были посажены многие экзотические растения, но они не прижились в условиях местного климата (*Carica papaya*, *Copernicia* sp., *Dasylyrion* sp., *Taxodium distichum*, *Coffea arabica*, *Cyperus papyrus*, *Musa xparadisiaca*, *Phoenix dactylifera*, *Sequoiadendron giganteum* i dr.), а некоторые из них растут до сих пор (*Sequoia sempervirens*, *Yucca filamentosa*, *Cedrus libani*, *Trachycarpus fortunei*, *Chamaerops humilis*,

*Magnolia grandiflora*, *Pinus jeffreyi*...). "(...) В одном австрийском научном исследовании, написанном во второй половине 19 в. указано, что сюда завезено около 36 различных видов субтропических культур и растений, которые можно найти во флоре на побережье пульского залива и юге Истрии (...)" (М. Балота, 1954.)

С самого начала формирования парков и по сегодняшний день, в парках Пулы было посажено 200 видов растений: больше всего во время правления Австро-Венгрии (99), во время итальянского правления всего лишь 44 вида. Некоторые из них давно исчезли, другие, неприхотливые до сих пор растут и высаживаются в парках Пулы.

Во время правления Австро-Венгрии в парковых зонах города высаживали в основном привезенные виды экзотических растений, только несколько из них были местными, существующие в парках и сейчас. Однако, между вышеупомянутыми завезенными видами были и те, которые не смогли приспособиться к новым климатическим условиям. Поэтому, многие пропали или находятся в плачевном состоянии на сегодня. Хотя, есть растения, посаженные в то время и сохранившиеся по сей день в парках, представляющих собой подлинное богатство.

Во время правления Италии в парках высаживали в основном привезенные виды растений, те из них, которые в природе росли в климате похожем на местный, хорошо приспособились и прижились, их также достаточно сохранилось в пульских парках.

Старожилы Пулы помнят, что их город был прекрасным зеленым оазисом на самом юге истрийского полуострова. Часто, вспоминая свою молодость, они говорят, что в парках всюду были скамейки, ключевую воду, бьющую из фонтанов в Матросском парке и Монте Заро, контурно подстриженная живая изгородь во всех парках. Сейчас реализуется тенденция - вернуть паркам хотя бы часть блеска былых времен. Парки

составляют только небольшую долю богатого культурного и исторического наследия Пулы, за период ее 3000-его существования. Они представляют собой неизменное украшение и ценную коллекцию растений, которой около 150 лет. Благодаря мягкому климату и более-менее успешному подбору видов растений, многие из них, несмотря на то, являются ли они местными видами или привезенными, прижились и ведут себя в новой среде, как неопиты: цветут, приносят плоды и опыляются без помощи человека.

За последних несколько лет заново внедряется старая топиарная техника формирования растений в парках, которой пользовались ранее. Таким образом пульским паркам возвращается былой внешний вид.

## Адабиётлар рўйхати .

1. И.А. Каримов «Узбекистон ХХI аср бусагасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» Т. 1998 йил
  2. И.А.Каримов «Узбекистон-буюк келажак сари» Т. 2008 йил
  3. А.А. Бисторов, Ю.К.Круберг. “Иллюстрированный школьный определитель растений”. М. 1951
  4. А. Герд. «Определитель растений ». М. 1968
  5. А.А.Качаев. «Деревья и кустарника» М. 1970
  6. А.Хамидов ва бошқалар «Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи» Тошкент. 1987
  7. Гроздев Б.В. Дендрология Гослес бумаздат. 1952
  8. Деревы и кустарника. Изд во А ССС в т I
  9. К.Зокиров «Ўрта Осиёдаги ўсимлик оилалари аниқлагич» 1963
- II том
10. Кери Э.Э. Деревы и кустарника тос эздат 1925
  11. Колесников. А.Н.Декоративная деидрология. Госстрайиздат М. 1960
  12. В.Лалин П.И. Скумто-сумах Деревая и кулерихе никитокото бот сада. 1972
  13. Лебедев Г.М –«Акклиматизация древесных и кусторникових пород.» Изд ва мин во коммун хоз. 1953
  14. Лиля А.Л. «Определитель деревьев и кустарников» Изд-ва Киевского Госунверта Т- II 1957
  15. М.М. Нейштад 1963 “Определитель растений” М.
  16. М.М. Арифхонова 1967 Растительности Ферганской долины. Т
  17. М.Набиев « Кустарники Узбекистана»
  18. Определельрасти Ср. Азии 1-А.Т.Т. -1968-1983
  19. Павлов В.Н. Флористический анализ Бостандиского района В.КН «К75 летило акад В.Н. Сукачева» М 1956.
  20. Русанов Ф.Н. «Деревья и кустарника ботан-го Сада» АН. 1985

21. С.Ростовцев «Определитель растений для школ самообразования» М 1961
22. «Флора Узбекистана» 1-6 т. Т. 1941-1962 гг
23. Х.О.Охунов «Определители деревьев вакунарника Узбекистана» Т. 1991
24. Хайдаров К.Х. Хожиматов К.Х. «Ўзбекистон ўсимликлари»Т. 1976
25. Ю.К. Круберг М З.В.Чефранов «Иллюстрированный школьный определитель высших растений» М. 1960
26. Пратов Ў., Жумаев К. Юксак ўсимликлар систематикаси.- ЎАЖБНТ Маркази, Тошкент. 2003.-146 б.
27. Разумовский С.М. «Ботанико-географическое районирование Земли как предпосылка успешной интродукции растений «Интродукция тропических и субтропических растений.» –М.: Наука,1980.-С.10-27.
28. «Растения для декоративного садоводства» Таджикистана. – М.: Наука,1986. –С.406-433.
29. Регель Э. «Содержание и воспитание растений в комнатах». Том 1,2 - Санкт-Петербург.1898,1904.-Вўп.1,2. –С. 25;13.
30. Ремискевич И.Т. «Гулчилик ҳаваскорларига маслаҳатлар.» Т.: Ўздавнашр, 1957.-Б.127-167.
31. Русанов Ф.Н. «Основные понятия об интродукции растений и ее некоторых методах.» 1954.
32. Русанов Ф.Н. «Теория и опыт переселения растений в условиях Узбекистана» Т.: Фан, 1974.-97 с.
33. Сааков С.Г. «Оранжерейные комнатные растения.» Наука, 1983. – 620 с.
34. Серебряков И.Г. «Морфология вегетативных органов высших растений». - М.: Советская наука, 1952. –391 с.

35. Серебряков И.Г. «Экологическая морфология растений». М.: Высшая школа, 1962. –377 с.
36. Кравченко Л.К. «Цветочно-декоративные растения.» Ташкент: Узбекистан, 1973.–210 с.
37. Мадрахимов А.С. «Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида.» Тошкент. Мехнат, 1990.– 140 б.
38. Набиев М.М., Козоқбоев Р.Ю. «Определитель декоративных деревьев и кустарников Узбекистана.» Ташкент: Фан, 1975. –Б.3-6.
39. Набиев М.М. «Наботат ажойиботлари.» –Ташкент.: Мехнат, 1992. –110 б.
40. Полетико О.М., Мишенкова А.П. «Декоративные травянистые растения открытого грунта.»–Л.: Наука, 1967.-207 с.
41. Церевитнов Б.Ф. «Декоративное цветоводство водоемов.»- М.: МГУ, 1958. – 70 с.
42. Фахриддинов З. Гул – уйнинг кўрки.-Тошкент: Ўзбекистон, 1968.-28б.
41. <http://eco.Uz>.
42. Shmain.ru
43. Biologtext.ru